

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657

АЗИЗОВ САРВАР АБДУҚОДИРОВИЧ

**«СОЛИҚЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»**

5A340901-«Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент
_____ **И.Очилов**

ТОШКЕНТ-2012

Диссертация Тошкент молия институти «Бухгалтерия ҳисоби»
кафедрасида бажарилган.

Расмий оппонент

и.ф.н., доцент А.Авлоқулов

Кафедра мудири

и.ф.н., доцент Б.Болибеков

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент Х.Ахмедов

МУНДАРИЖА:

| | |
|--|------------|
| Кириш | 3 |
| I боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари | 8 |
| 1.1. Модернизация жараёнларини амалга оширишда солиқ тизимининг тутган ўрни..... | 8 |
| 1.2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва уларнинг таснифланиши..... | 16 |
| 1.3. Солиқлар ҳисобининг мақсади ва вазифалари | 31 |
| II боб. Хусусий сектор корхоналарида солиқлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш | 50 |
| 2.1. Бевосита солиқлар ҳисобини ташкил қилиш..... | 50 |
| 2.2. Билвосита солиқларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби..... | 58 |
| 2.3. Солиқлар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари..... | 67 |
| III боб. Хусусий сектор корхоналарида солиқлар аудитини ташкил қилиш ва такомиллаштириш | 75 |
| 3.1. Солиқлар аудитини режалаштириш ва ташкил этиш | 75 |
| 3.2. Солиқлар аудитини ўтказиш ва уни такомиллаштириш..... | 84 |
| Хулоса | 95 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 99 |
| Иловалар | 108 |

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз иқтисодиётини узлуксиз ривожланиши ҳамда жаҳон хўжалиги ва молиявий тизимига тобора интеграциялашуви, бу борада давлатимизнинг бош ислохотчи бўлиб оқилона сиёсат олиб бораётгани пировард натижада Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва нуфузини янада оширмоқда.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ўз салбий таъсирини барча мамлакатларга кўрсатаётган шароитда ҳам республикамиз иқтисодиётида унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга қаратилган комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқилиб муваффақиятли қўлланилмоқда. Инқирозга қарши чоралар дастурида солиқ юкини енгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳақда Президентимиз фикр юритар экан, шундай дейди: “Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2011-йилда солиқ юки, 1991-йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур”¹.

Корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши учун хўжалик механизмининг барча элементлари мукамал ишлаши зарур. Айнан шу йўналишда солиқларнинг ўрни ва солиқ механизмининг мукамаллигига ҳам кўриладиган самара даражаси бевосита боғлиқдир.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, солиқлар давлатнинг иқтисодий асоси бўлиши билан биргаликда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини тартибга солувчи ва кафолатловчи дастаклардан биридир.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши ва

¹ Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. 11-бет

ривожланишининг ҳозирги босқичида солиқлар хусусий сектор корхоналарининг фаоллигини талаб даражасида оширишда қизғин иштирок этиши зарурлиги ислохотларнинг мақсад ва вазифаларини адо қилиш учун янада долзарброқ масалаларни қамраб олишни тақозо этмоқда.

Айниқса, солиқларнинг ҳисоби ва аудитини ташкил этишни такомиллаштиришда муаяйн камчиликлар кўзга ташланмоқда. Солиқлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш орқали хусусий сектор корхоналарининг иқтисодиётдаги аҳамиятини янада ошириш имконияти туғилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хусусий сектор корхоналарида солиқлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари хорижий иқтисодчи олимлар Э.А.Аренс, Дж.К.Лоббек, Б.Нидлз, Ч.Хорнгрен, Р.Энтони, Ю.Данилевский, Н.П.Кондраков, А.Д.Шеремет, П.Камышанов, шунингдек, мамлакатимиз соҳа олимлари Ю.Иткин, А.Каримов, Б.Исроилов, Н.Санаев, М.Тўлахўжаева, З.Курбонов, Э.Гадоев, Т.Жўраев, К.Мисиров, З.Маматов, К.Ўразов ва бошқаларнинг ишларида кенг ўрин олган.

Бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, янги муаммолар келиб чиқмоқда. Соҳа олимлари ўртасида ушбу масалаларнинг ечими билан боғлиқ турлича фикрларнинг мавжудлиги мазкур муаммони тўлиқ ҳал этилмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади хусусий сектор корхоналарида солиқлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш юзасидан тегишли хулоса ва таклифларни киритиш ҳисобланади.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, ишни бажаришда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- модернизация жараёнларини амалга оширишда солиқ тизимининг тутган ўрнига баҳо бериш;
- солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги

аҳамиятини очиб бериш;

- солиқлар ҳисобининг мақсади ва вазифаларини белгилаш;

- солиқларнинг дастлабки ҳисобини ташкил қилишнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш;

- бевосита солиқлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- билвосита солиқлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- солиқлар аудитини режалаштириш ва ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш;

- солиқлар аудитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети бўлиб хусусий сектор корхоналарида солиқлар ҳисоби ва аудитининг концептуал асосларини тадқиқ этиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти қилиб, Юнусобод туман Давлат солиқ инспекцияси маълумотлари олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, нутқлари ва мақолаларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга оид масалалари бўйича баён этган хулосаларидан муҳим манба сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари илмий ишда асос бўлиб, Солиқ Кодекси, бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартлари, Молия Вазирлиги низом ва йўриқномалари, шунингдек, мамлакатимиз етакчи олимлари ва мутахассисларининг ушбу муаммога оид илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- модернизация жараёнларини амалга оширишда солиқ тизимининг тутган ўрнига баҳо берилди;
- солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти очиб берилди;
- солиқлар ҳисобининг мақсади ва вазифалари белгиланди;
- солиқларнинг дастлабки ҳисобини ташкил қилишнинг ҳозирги ҳолати тадқиқ қилинди;
- бевосита солиқлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- билвосита солиқлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- солиқлар аудитини режалаштириш ва ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати тадқиқ қилинди;
- солиқлар аудитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар хусусий сектор корхоналарида солиқлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан хусусий сектор корхоналарида солиқлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда ҳамда олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Диссертация иши юзасидан 2012 йил 17 майда Тошкент молия институтида ўтказилган Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Молия банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларини такомиллаштириш масалалари”га бағишланган Магистрантларнинг XII анъанавий илмий-амалий конференциясида «Солиқлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш» ва «Солиқлар аудитини режалаштириш

тартиби» номли тезислар маъруза қилинган ва конференция иштирокчилари томонидан ижобий баҳоланган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари

1.1. Модернизация жараёнларини амалга оширишда солиқ тизимининг тутган ўрни

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлига ўтилган даврдан бошлаб Президентимиз томонидан ҳар бир йил якунига кўра эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш анъанавий тарзда амалга оширилиб келмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодийтини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодийнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.


Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқ ставкалари аҳамиятли даражада пасайтирилиб борилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши

| Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури | 2000 йил | 2012 йил |
|--|-----------------------|-----------------|
| Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 31 | 9 |
| Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 15%, 25%, 36%, 40% | 9%, 16%, 22% |
| Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови | 15 | 6 |
| Ягона ижтимоий тўлов | 40 | 25 |

Жадвалдан кўринадики, кейинги ўн йил мобайнида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкаси 3,4 баробар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2,5 баробар, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1,6 баробар пасайтирилган. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги умумий солиқ юки ҳам йиллар давомида сезиларли равишда пасайиб бормоқда (1-чизма).



1-чизма. Ўзбекистонда солиқ юкининг ўзгариши динамикаси²

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, агар 2000 йилда республикаимиздаги солиқ юки 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 22,6 фоизни

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 68 бет.

ташкил этди, яъни 1,6 баробардан кўпроқ қисқарган. 2011 йилда бу кўрсаткични янада пасайтирилди, яъни 22,0 фоиз даражасига туширилди.

2009 йилда мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг кўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги 1048-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилиндилар.

Уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди. Корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендлари ҳам ана шу муддатга солиққа тортилмайдиган бўлди.

Натижада Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди. Бу маблағ

уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқлар тизимини бошқаришнинг назарий услубий ва амалий жабҳаларини тадқиқ этиш эътибор талаб қилинаётган соҳа бўлиб қолмоқда. Солиққа тортишнинг назарий асосларидан келиб чиқиб, солиқ сиёсатини амалга ошириш бу борада оптимал вариантни танлаб олишни талаб этади. Солиқлар давлатнинг барча йўналишдаги фаолияти учун зарур бўлган асосий молия манбалардан бири бўлиб, у ҳукуматнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича амалга оширишдаги асосий қуролидир. Давлат иқтисодиётини солиқлар орқали тартибга солиш бу давлат бюджетини ташкил этишнинг усули бўлса, солиққа тортиш йўли билан эса жамиатдаги у ёки бу жараёнларини ривожланишига таъсир этиш мумкин бўлади. Яъни, давлатнинг мавжудлиги бу солиқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади, чунки солиқ тушумлари давлатнинг иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

И.А.Каримов “2011-йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгिलाш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди”³. Юртбошимиз таъкидлаганидек солиқларни самарали бошқариш асосида бюджетнинг даромадлар қисмини барқарор суратда тўлдириб турилиши мамлакат иқтисодиётини юксалишида муҳим ўрин эгаллайди.

³ Каримов И.А.. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади -Тошкент. Ўзбекистон, 2012. -12 б.

Корхоналарга солиқ оғирлиги юклаш сиёсати ишлаб чиқиладиганда умумжамият манфаатларини оптимал даражада уйғунлаштиришга ёрдам берадиган, давлатнинг эҳтиёжини қондирадиган ва тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлмайдиган солиқ тизимини шакллантириш кўзда тутилади. Амалда жорий этилган солиқларнинг умумжамият манфаатларига қанчалик мос келишини баҳолашда ва кўзланган мақсадга қай даражада эришилганлигини аниқлашда корхоналар молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсирини тадқиқ қилиш ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳолбуки, ишлаб чиқаришни янада ривожлантирадиган ва тадбиркорликни рағбатлантирадиган солиқ тизими шакллантирилса, кўзланган мақсадга эришиш осон кечади. Солиқларнинг асосий вазифаси фискал, яъни бюджетга даромад жалб қилиш, ҳисобланган солиқлар давлат олдида турган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазифаларни бажариш билан боғлиқ харажатларини молиялаштиришда асосий иқтисодий манба бўлиб хизмат қилади. Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш дастаклари орасида солиққа тортиш механизминини қўллаш ўзининг юқори самаралилиги билан ажралиб туради. Чунки бундай солиқ механизми бозор иқтисодиётинини шакллантиришдаги асосий омил ҳисобланган ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатларига тўғри таъсир кўрсатади.

Фикримизча, солиқлар жисмоний ва юридик шахслар даромадлари ҳамда мулкларидан маълум (қонунда белгиланган) бир қисмини давлатнинг молиявий имкониятини таъминлаш мақсадида мажбурийлик, қайтармаслик, давлат мажбурловини қўллашлик асосида бюджетга ўтказишнинг бирдан-бир қонуний усулидир.

Солиқлар миллий даромадни давлат тасарруфига олишнинг энг муҳим воситасига айлангани сабабли, улар макроиқтисодиётни тартибга солишда борган сари муҳимроқ рол ўйнамоқдаки, ЯММ умумий ҳажмида солиқ тушумлари салмоғининг кўпайиши бунинг кўрсаткичи ҳисобланади.

**2012 йил учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий
параметрлари⁴**

| № | Кўрсаткичлар | Млрд. сўм |
|-------------|--|------------------|
| I | Даромадлар жами - давлат мақсадли фондларисиз | 20614,1 |
| <i>1</i> | <i>Бевосита солиқлар</i> | <i>5196,4</i> |
| 1.1. | Юридик шахсларнинг фойда солиғи | 917,2 |
| 1.2. | Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови | 703,5 |
| 1.3. | Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови | 538,5 |
| 1.4. | Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи | 2372,7 |
| 1.5. | Тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларига қатъий белгиланган солиқ | 218,1 |
| 1.6. | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | 446,4 |
| <i>2.</i> | <i>Билвосита солиқлар</i> | <i>11187,8</i> |
| 2.1. | Қўшилган қиймат солиғи | 6784,5 |
| 2.2. | Акциз солиғи | 3115,5 |
| 2.3. | Божхона божи | 732,4 |
| 2.4. | Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинган солиқ | 555,4 |
| <i>3.</i> | <i>Ресурс солиқлари ва мулкка солиқ</i> | <i>2746,4</i> |
| 3.1. | Мол-мулк солиғи | 642,0 |
| 3.2. | Ер солиғи | 446,0 |
| 3.3. | Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ | 1585,3 |
| 3.4. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 73,1 |
| <i>4</i> | <i>Юқори фойдага солиқ</i> | <i>250,0</i> |
| <i>5</i> | <i>Бошқа даромадлар</i> | <i>1233,5</i> |
| II | Давлат мақсадли фондларининг даромадлари | 10499,8 |
| III | Молия вазирлиги хузуридаги ерларнинг мелиоратив ҳолатининг яхшилаш фонди даромадлари | 210,0 |
| IV | Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва ривожлантириш фонди даромадлари | 4747,6 |

⁴ “2012 йилда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПП-1675-сонли қарори. 2-илова.

Солиқлар янги сифат касб этиб, иқтисодий фаолликни тартибга солиш, такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш қуролларидан бири ролида чиқади. Ушбу таъсир ғоятда кўп қиррали бўлади. Фойдага солинадиган солиқлардан фойдаланиб, давлат сармояни жамғариш жараёнларига ғоятда сезиларли таъсир кўрсатади. Бунга жадаллаштирилган амортизациянинг солиқ механизми мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин, бу ҳолда давлат молия органлари корхоналарига амортизация фондига асосий сармоянинг ҳақиқатдан сарфланишидан анчагина ошадиган суммани ўтказиш учун рухсат беради. Натижада солиққа тортиладиган фойданинг ҳажми, бинобарин, тўланадиган солиқ суммаси ҳам анча қисқаради. Жадаллаштирилган амортизация усули иқтисодиётнинг корпоратив секторида капитал кўйилмаларини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Уни қўллаш фан-техника тараққиётини интенсивлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш, айниқса, илмталаб тармоқларни ривожлантириш имконини беради.

Солиқларни таснифлаш - солиқларни муайян характерли белгилари, яъни уларни ундириш усуллари, қўлланиладиган ставкалар тури, солиқ имтиёзлари ва ҳоказолар бўйича гуруҳлашдир.

Солиқларни турлари бўйича таснифлашга бир неча белгилар асос қилиб олинган. Халқаро амалиётда иккита асосий тасниф гуруҳлари қабул қилинган- бевосита ва билвосита солиқлар. Ушбу гуруҳлар солиқ солиш объектига ва тўловчи билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқдир.

Бевосита солиқлар бевосита даромад ва мол-мулкка белгиланади (солиққа тортишнинг бевосита шакли), яъни бевосита солиқларнинг узил-кесил тўловчиси даромад олувчи (мол-мулкка эгалик қилувчи ва ҳ.к.) хўжалик субъекти ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг даромади (иш хақи, фойда, фоизлар ва бошқалар) ва мол-мулки (ерлар, уйлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар) қиймати бевосита солиқлар объектидир.

Билвосита солиқлар - нарх ёки тарифга устама кўринишида белгиланадиган, товар ва хизматлардан олинадиган солиқлар. Билвосита солиқларга товарни сотиш нархида тўланадиган ёки тарифга киритилган товар ва хизматларга солинадиган солиқлар киради, яъни билвосита солиқларнинг пировард тўловчиси бўлиб, товар истеъмолчиси майдонга чиқади, унинг зиммасига солиқ нархда кўзда тутилган устамалар орқали юкланади. Мазкур ҳолда корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларни сотиб, солиқ суммалари ҳисобга олинган пул суммаларини оладилар, сўнгра олинган барча солиқ суммаларини тегишли тартибда бюджетга ўтказадилар.

Билвосита солиқ солишда давлат амалда янги қийматни тақсимлаш иштирокчисига айланиб, товар ёки хизматларни сотиш пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига бўлган ўз ҳуқуқларини эълон қилади.

Бевосита солиқлардан фарқ қилиб, билвосита солиқлар бевосита тўловчининг даромади ёки мол-мулки билан боғланмайди. Одатда, шахсий истеъмол товарлари шунингдек аҳолига саргарошхоналарда, кимёвий тозалаш шоҳобчаларида, автотранспорт корхоналари томонидан кўрсатилган ва ҳоказо хизматлар солиқ солиш объекти ҳисобланади. Билвосита солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони мунтазам равишда ошиб боради.

Бевосита солиқлар салмоғининг камайиши корхоналарнинг моддий-техника базасини кенгайтиришга, кўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келадиган бўлса, билвосита солиқлар салмоғининг кўтарилиши корхоналарда инвестицион фаолиятини ривожлантиришга имкон яратади.

Солиқлар мажбурий тўлов бўлиб, қонун асосида ундирилади. Демак, солиқларда, молияда бўлгани сингари доимий қайтарилиб турадиган молиявий

воқеликлар, аниқроғи пул муносабатлари бўлади. Ана шу пул муносабатларининг мазмунини очиш орқали солиқлар моҳияти очилади.

Солиқлар тизимидаги солиқларнинг моҳиятига, объектига, субъектига, иқтисодий характериға қараб турли тартибда гуруҳлаш мавжуд. Солиқларни иқтисодий гуруҳлаш борасида иқтисодчи олимларнинг фикирлари турлича. Жумладан англиялик файласуф Д.Локком (1632-1704 биринчи марта) солиқ тизимини бевосита ва билвосита солиқлар тарзида таснифлаган ҳамда XVII аср охирларида асос солинган. Д.Локкомнинг фикрича, “барча солиқларни қандай тарзда, кимдан ундирилмасин, барибир солиқ оғирлиги ер эгасининг зиммасига тушади, чунки атиги ер эгасининг даромади - ҳақиқий соф даромаддир. Ундан барча фуқоролар жами солиқларни тўлайдилар. Шунинг учун бевосита ер эгасидан ундирилган солиқлар-бевосита солиқлар, қолганлари билвосита солиқлар деб ҳисобланган⁵.

1.2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва уларнинг таснифланиши

Солиқлар иқтисодий моҳиятиға ва характериға қараб икки гуруҳға, яъни бевосита ва билвосита солиқларға бўлинади. Бундай тавсифлаш “солиқларнинг моҳиятини тўлиқроқ очиб берганлиги боис ҳалқаро амалиётда ҳам қабул қилинган”. Шундай бўлсада солиқларни бевосита ва билвоситаға ажратилишиға бошқача ёндашишлар ҳам учрайди. Россиялик В.Фролова бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар солиқларни бевосита ва билвосита солиқлар гуруҳиға таснифланишиға қўшилмайдилар. Уларнинг, фикрича солиқларнинг бевосита ва билвосита солиқларға гуруҳланиши фақат солиқ назариясининг қадимий босқичларига хос”деб такидлайди⁶. Яхёев.Қ, Тошмуродовалар Б, Билвосита солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устама равишда қўйилади. Билвосита

⁵ Юткина.Т.Ф. Налоги налогообложение. М.: ИНФРА-М. 1999. -28 с

солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи киради деб этироф этишганлар⁷.

Солиқлар тизимини бевосита ва билвосита солиқларга тавсифланиши ҳамда уланинг таркибини қуйидаги 2-чизмада аниқроқ ифодалашга ҳаракат қилдик.



2-чизма. Солиқларнинг таснифи.

⁷ Яхяев.Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент.: Фафур Ғулом, 200. -32-33-б, Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодий ёқилғи бошқариш механизми. Монография. Тошкент.: Янги аср авлоди, -2002. -56-б.

Бундай тавсифлаш солиқларнинг молиявий ҳисобини юритишда уларнинг моҳиятини тўлиқроқ очиб берганлиги боис ҳалқаро амалиётда ҳам қабул қилинган. Ҳақиқатдан ҳам атрофлича таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, солиқларнинг олиниши натижасида бошқа мулкчилик шаклларига тегишли бўлган маблағларнинг бир қисми давлат мулкига айлантирилади ёки давлатнинг ихтиёрига ўтказилади ҳамда давлатнинг бюджет қисмининг шакиллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Солиқларни гуруҳларга ажратиб, уларнинг моҳиятини ёритиш энг аввало, Европа мамлакатларида шаклланган. Шу сабабли, айрим адабиёт ва тадқиқотларда солиқларнинг тарихий ривожланиш жараёнига ҳамда рус тилидаги талқинига мослаб таржима қилинишига қараб, солиқларни – бевосита ва билвосита солиқлар деб ифодалаш учраб туради.

Иқтисодий муносабатлар даврида солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга ошириш давлат бюджетини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнайди. Юридик шахслардан олинадиган билвосита солиқлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Корхоналар ҳўжалик фаолиятида солиқлар ҳисобини тўғри, ўз вақтида юритиш асосида бюджетга солиқларнинг келиб тушишини таъминлаш, бюджет ижросини амалга ошириш, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминланишида, улкан давлат дастурларини рўёбга чиқарилишида ҳал қилувчи вазифаларни бажаради. Республикамизнинг давлат бюджети даромадлари шаклланишида билвосита солиқлар салмоқли бўлиб, унинг таркибида акциз солиғи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз амалиётида акциз солиғи 1991 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонуни асосида жорий қилинган. Акциз солиғи товар нархини оширувчи билвосита солиқлар бўлгани учун истёъмолчи бу солиқ оғирлигини кўтаришга мажбурдир. Акциз солиғи ҳисоби жаҳон

миқёсида мавжуд бўлган қарийб барча саноати ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган акциз ости товарлар ва хизматлардан олинадиган билвосита солиқ ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан бири Т.С.Маликов акциз солиғини қуйидагича ифодалайди: «Оборот солиғи ва сотувдан олинадиган солиқ бекор қилиниши муносабати билан уларнинг ўрнига жорий этилган қўшилган қиймат солиғи барча ҳолларда ҳам «тушиб қолаётган» бюджет даромадларини ҳаммасини тўлдириши мумкин эмас эди. Шунинг учун дастлабки пайтларда бу вазифани бажариш масъулияти акцизлар зиммасига юклатилди»⁸.

Иқтисодчи олим Н.Ҳайдаров томонидан эса акциз солиғини қуйидагича изоҳлайди: “Акцизларни кўп ҳолларда харажат солиғи дейишади. Бунинг маъноси шуки, фуқаро қанчалик кўп акциз ости товарларни истеъмол ёки харид қилса, у шунчалик кўп акциз солиғи тўловчи шахс ҳисобланади”⁹.

Иқтисодий адабиётларда, хусусан, А.А.Каримов ва бошқалар томонидан ёзилган “Бухгалтерия ҳисоби” дарслигида қуйидагича изоҳ берилган: “Акциз солиғи соф даромад нархида ва қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган, билвосита солиқ сифатида бюджетга тўланадиган солиқдир”¹⁰.

Илмий тадқиқотларимиз жараёнида мазкур фикр етарлича тўлиқ ва мукамал эмаслигини кўриш мумкин. Яъни сотиладиган товарлар нархига акциз солиғи фақат фоизларда эмас, балки, қатъий суммаларда ҳам белгиланган ҳолатлар мавжуд. Масалан ўсимлик ёғи (пахта ёғи)га ҳар бир кг учун 2008 йилда 490 сўм акциз солиғи белгиланган. Бундан кўринадики бир қатор маҳсулот турлари бўйича акциз солиғи фоизларда эмас, қатъий суммаларда белгиланади.

⁸ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. — Т.: «Академия», 2002. — 15-б

⁹ Ҳайдаров Н.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг тамойиллари ва асосий йўналишлари. Республика илмий-амалий конференцияси. 2006.29-30май. 48-б.

¹⁰ Каримов А.А., Исломов Ф., Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарқ НМАК Бош таҳририяти. 2004. 470-бет.

Мазкур фикрлардан келиб чиқган ҳолда акциз солиғининг бюджетга даромад жалб қилиш функциясига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Мамлакатимизда акциз ости товарларга акциз солиғини белгилаш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш, мамлакат ташқарисига ноқонуний йўллар ва контрабанда орқали товарларнинг чиқиб кетишини олдини олиш ҳамда юқори рентабелли товарларни ишлаб чиқарувчиларда шаклланган даромадларнинг маълум бир қисмини бюджетга олиш мумкин бўлади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб акциз солиғига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “Акциз солиғи ишлаб чиқариш корхоналарида яратилган маҳсулот таннархи ва ялпи фойдасининг умумий суммасига нисбатан белгиланган фоиз кўринишидаги ёки қатъий суммадаги тўловлар, экспорт ва импорт қилинган баъзи товарлар қийматининг белгиланган қисмини мажбурий бюджетга ўтказиш”дир.

Шуни қайд этиш лозимки, асосан акциз солиғи кундалик эҳтиёж моллари тоифасига кирмайдиган маҳсулотларга, инсон саломатлиги учун зарарли бўлган маҳсулотларни истеъмолини камайтиришга хизмат кўрсатади ва ўз навбатида талаб ва таклиф асосида нархни мослаштириб бориш лозим бўлган товарларга белгиланади (алкоголь, тамаки ва нефть маҳсулотлари, ёғ-мой, автомобил, заргарлик ва бошқалар) буюмлардан ундирилади.

Республикамизда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 1992 йилдан бошлаб қўлланилиб келинмоқда. Шу сабабли бу даврда солиқ ислоҳотида сезиларли муҳим ўзгаришлар бўлиб ўтди, бунда айниқса, айланмага солиқ ва сотишдан солиқ ўрнига қўшилган қиймат солиғи ҳисобининг жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Қўшилган қиймат солиғи ҳисобининг жорий қилинишига асосий сабабларидан бўлиб, унинг ёрдамида давлат бюджетига даромадлар тушумини таъминлаш ва бозор муносабатларини шакллантириш шароитида

катта аҳамиятга эга бўлган давлат бюджетини тузишнинг барқарор базасини яратиш ҳисобланади.

Давлат бюджетининг даромад қисмини ҚҚС билан тўлдириш ғояси ХХ аср бошларида пайдо бўлган. Ушбу солиқ илк бор Германияда 1919 йилда Вильгельм фон Сименс томонидан «Veredelte Umsatzsteuer» (немисча мукаммалашган айланма солиқ) номи билан киритилган эди. Кейинчалик, ушбу солиқ биринчи марта қўшилган қиймат солиғи сифатида француз иқтисодчиси М.Лоре томонидан 1954 йилда таклиф қилинган ҳамда 1960 йилда Кот-ди-Ивуар Республикаси солиқ тизимига киритилган. Бундан кўриниб турибдики, солиқларнинг бошқа турларга қараганда ҚҚС анча ёш, лекин шунга қарамай бутун дунёга жуда тез тарқалди. Чунки у катта миқдорда даромад келтиради, унинг ҳисобланишида бетарафлик, самарадорлик ва оддийлик хусусияти мавжуд. Мазкур солиқ 1992 йил “Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан ундириладиган солиқлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ жорий этилган. ҚҚС кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда катта рол ўйнайди.

Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг жорий қилишининг асосий сабаби ушбу солиқ бўйича дунё ҳамжамиятининг бу борадаги тажрибаси ҳисобланади. Ривожланган давлатларнинг тажрибасидан маълум билвосита солиқлар ҳисоби ривожланиб бориб, ягона қўлланиладиган солиққа, яъни ушбу давлатларда бир текисда тақсимланадиган қўшилган қиймат солиғига айланишини кўрсатди, шу билан бир вақтнинг ўзида, бирон бир товарлар гуруҳини сотилишига ҳалақит қилмайди ва хаўжалик фаолиятда молия тақсимланишини ўзгартирмайди. Олимларнинг фикрича, қўшилган қиймат солиғи каби назария соҳасидан амалиёт соҳасига жуда тез ўтган ва дунёнинг бир неча мамлакатлари бюджетининг билвосита солиқлари ичида юқори мавқени эгаллаган.

Қўшилган қиймат солиғига хорижий иқтисодчи олимлар томонидан

қуйидагича тарифлар берилган. Америкалик иқтисодчилар П.А.Самуэльсон ва В.Д. Нордхауслар «Economics» асарида қўшилган қиймат солиғи ҳақида сўз юритиб, уни қийматлилик тушунчаси билан аралаштириб юборади ва асарнинг кейинги ўринларида қўшилган қийматлилик билан қўшилган қийматни бири-бирига мувофиқлаштиради, яъни уларни бир нарса деб қарайди ва «қўшилган қиймат - бу фирма сотув ҳажми ва бошқа фирмалардан у сотиб олган материаллар ва хизматлар орасидаги фарқдир. Унга иш ҳақи, бошқа тўловлар, тўлов фоизлари ва дивидендлар киради»¹¹ дейди. Қўшилган қийматга берилган таърифлар хилма-хилдир. Лекин маъно жиҳатдан бир-бирига яқин туради.

Республикамизнинг етакчи иқтисодчи олим ва мутахассислари берган таърифларига тўхталиб ўтсак. Профессор Т.С.Маликов бу ҳақда тўхталиб, «қўшилган қиймат солиғининг моҳиятини тўлиқ идрок этиш учун таркибига хом-ашё, материаллар, ёқилги, энергия, асосий ва қўшимча иш ҳақи (ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар билан биргаликда), асосий фондларнинг амортизацияси ва бошқа ҳаражатларнинг қиймати кирувчи ишлаб чиқариш ҳаражатларининг элементларига мурожаат қилмоқ зарур»¹² - дейди. Бу таърифда олим қўшилган қиймат ишлаб чиқариш жараёнида яратилиши ва у ўз ичига қандай элементларни олишини батафсил баён этади. Ш.Тошматов эса қўшилган қийматга таъриф бериб - қўшилган қиймат деганда, ашёвий ресурслар харид баҳосига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшилган, товар ва хизматларнинг бозорда сотилиш нархига кирган устама қиймат тушунилади ва товар харажатлари, нафлилигини бозор тан олган ҳамда уларнинг пул эквиваленти берилганлигини билдиради. Товар ва хизматларга қўшилган қийматнинг миқдорини аниқлаш, бу товар сотилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Бундан шу нарса келиб чиқадики, қўшилган қиймат бу ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир¹³.

¹¹ П.А.Самуэльсон, В.Д. Нордхауслар, «Economics», асари 1999 й.445 б.

¹²Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. — Тошкент: «Академия», 2002. - 14-б.

¹³ Ш.Тошматов Қўшилган қиймат солиғи монографияси, Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”; 2004 15 б.

Қўшилган қийматни назарий нуқтаи назаридан талқин этиш асосида ундан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғини такомиллаштиришдаги асосий йўналишларни белгилаши мумкин.

Республикамиз олимларидан М.Йўлдошев ва Й.Турсуновлар бу ҳақда тўхталиб «қўшилган қиймат солиғи дейилишига сабаб товарлар, ишлар ёки хизматларни ишлаб чиқаришда қатнашишнинг ҳар бир босқичида қийматга қўшиладиган қисмидан солиқ олинади ва соф даромаднинг бир қисмини бюджетга олишнинг шакли бўлиб ҳисобланади»¹⁴ деб таъриф берганлар. Дунё мамлакатларидаги солиқ кодекслари асосларида келтирилишича, қўшилган қиймат солиғи шундай солиқки, унда «сотилган товар ва хизматлар устига сотувчи томонидан қўшилган қиймат учун у солиқ тўлашга мажбур». Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир.¹⁵ Амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслардан ташқари барча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, товарларни (иш ларни, хизматларни) импорт қилувчи юридик шахслар ва ўз эҳтиёжлари учун товарларни божсиз олиб кириш нормаларидан ортиқча импорт қилинаётган жисмоний шахслар ҚҚС тўловчилардир¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар¹⁷.

Юқорида такидлаганимиздек, Республикамизда давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётдаги эркинлаштириш сиёсати

¹⁴ Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. — Тошкент: «Молия нашриёти», 2000.— 76-б.

¹⁵ Каримов А.А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарқ НМАК Бош таҳририяти. 2004. 466-б.

¹⁶ Исроилов.Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Тошкент-“Ўзбекистон” -2006. 34-35 бб.

¹⁷ Солиқ кодекси. 179 модда. 2008.

солиқлар тизимини ҳар томонлама эркинлаштиришга шароит яратмоқда. Президентимиз Ислон Каримовнинг сўзи билан айтганда «Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим»¹⁸. Президентимизнинг бу нутқида солиқларнинг моҳиятини, уларни иқтисодий зарурлигини барча тўлиқ тушуниб етиши лозимлиги, бугунги кунда мустақил ўзини-ўзи бошқарган ҳолда иш олиб бориш лозимлигини таъкидлаб ўтди, шунингдек, давлат бюджетида даромадларни шакллантиришда солиқларнинг ўрнига алоҳида эътибор берган ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадини оширишни таъкидлаб ўтган.

Жаҳон иқтисодиётида ташқи савдонинг ривожланиши натижасида ҳар бир мамлакат ўз манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларга киришни белгилайди. Мамлакатларнинг ташқи иқтисодий сиёсатиндан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий муносабатлар давлат томонидан доимий равишда тартибга солиб турилади.

Республикамызда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада эркинлаштиришда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш механизмига катта аҳамият бериб келинмоқда. Ташқи иқтисодий муносабатларининг асосий таркибий қисми ҳисобланган ташқи савдо фаолиятини, яъни экспорт-импорт операцияларни давлат томонидан тартибга солишнинг барча усулларини жамлаган ҳолда тарифли ва тарифсиз турларга ажратиш мумкин.

Шарипов.Ф ўзининг илмий ишида экспорт ва импорт операциялари, жумладан товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш жараёнида тўланадиган

¹⁸ «Ишонч» газетаси, Тошкент, 2002. 15-феврал сони, 5-бет.

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумлаштириган ҳолдаги ифодаси божхона тўловлари деб номланади.¹⁹

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда ривожланётган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқган ҳолда ҳар иккаласи ҳам алоҳида аҳамият қаб этиди. Демак, экспорт ва импорт операцияларни солиққа тортиш асосида ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишнинг тарифли воситаси ҳисобланади. Бошқа республикалардан олиб кирилаётган товарлар божхона чегарасини кесб ўтаётган вақтда божхона тўловлари бўйича солиққа тортилади.

Божхона тўлови ҳам барча солиқлар каби физикал аҳамиятга эга бўлибгина қолмасдан бошқа бир қатор вазифаларни ҳам бажаради, натижада мамлакат миллий ишлаб чиқарувчилари ташқи рақобатдан ҳимоя қилинади ёки ички бозор учун бирламчи товарларни арзон баҳода импорт қилиниши тартибга солинади. Божхона тўловлари ташқи иқтисодий интеграллашув шароитида алоҳида аҳамият касб этиб, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Божхона тўловлари умумдавлат солиқлари таркибида алоҳида аҳамият касб этиб, улар давлат иқтисодий ва молиявий сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди.

Божхона тўловлари ўз таснифига кўра эгри солиқлар ҳисобланиб, товарларни импорт қилиш жараёнида товар баҳосини ошишга олиб келади ва уни импорт қилувчилар истеъмолчилар зиммасига юклайди. “Туркумланиш белгилари жихатидан божхона тўловлари эгри солиқлар гуруҳига киради, чунки уларни тўлаш бўйича харажатлар импортёрлар томонидан импорт қилинган товарларнинг нарҳига олиб бориб қўшадилар...

Божхона тўловларининг иқтисодий маъноси – ҳукуматнинг миллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўллаб-қуватлаш сиёсатини амалга

¹⁹ Шарипов. Ф. Ф. Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари. 30-б.

оширишдаи, уларни янада ташқи садо фаолиятини тартибга солиб туришнинг бир шакли сифатида кўриш мумкин”²⁰.

Товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида қуйдаги асосий божхона тўловлари ундирилади.:

- божхона божи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи (акциз ости товарлардан)

Экспорт ва импорт операцияларидан ундириладиган солиқлар ўз моҳиятига кўра билвосита солиқлар таркибига кириб, унинг объекти бўлиб товарлар баҳоси ёки физик ҳажми ҳисобланади, яъни ундириладиган солиқлар товарлар баҳосини олишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан экспорт ва импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматларни)нинг тўлиқ ҳисобини юритиш уларни солиққа тортишнинг самарали механизминини ишлаб чиқишда, шунингдек, давлатнинг фискал органлари томонидан уларни назоратини кучайтиришда экспорт ва импорт операцияларига

Экспорт ва импорт операцияларидан ундириладиган солиқлар моҳиятига кўра билвосита солиқлар бўлиб товарлар, ишлар ва хизматлар баҳосига устама сифатида белгиланиб, улар охири – оқибатда охирги истеъмолчилар тўловчи бўлиб ҳисобланади. Билвосита солиқларни тўловчилар ўз даромадларини товарлар ва хизматлар истеъмол қилишга сарфлайдилар.

Бизнинг фикримизча билвосита солиқларнинг билвосита солиқлар деб юритилиши солиқларнинг тарихий ривожланиш босқичларига хосдир. Қонун билан амал қилаётган ва республикаимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур молиявий ресурслар жамғарадиган билвосита солиқларни эгри деб бўлмайди. Ҳолбуки, товарлар ва хизматлар қийматига қўйилиб, билвосита бюджетга ундириладиган солиқларни билвосита солиқ деб таъкидлаш

²⁰ Завалишина И. А. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Тошкент.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашёт уйи, 2004. – 439-б.

Ўринлидир. Солиқларни назарий жиҳатдан иқтисодий моҳиятига қараб бевосита ва билвосита солиқлар деб таснифлансада, лекин ҳозирда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси амалиётида солиқ тушумларини 4 та гуруҳга, яъни бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ресурс солиқлари ва инфраструктура солиқларига ажратиш мумкин. Назаримизда, бундай гуруҳлаш назарий асосга эга эмас. Бизнинг фикримизча, солиқ тушумларини юқорида кайд қилинган 4 та гуруҳга ажратиш асосида ҳисобга олиш бевосита ва билвосита солиқларнинг ялпи ички маҳсулотда ва бюджет даромадларида тутган ўрнини белгилашда чалкашликка олиб келади. Солиқлар тизимини нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам бевосита ва билвосита солиқларга гуруҳлаш асосида улар бўйича тушумларни режалаштириш, ҳисобини мантиқан тўғри, деб ҳисоблаймиз. Чунки ресурс солиқлари табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгилансада, лекин солиқ тўловчининг даромади ёки фойдасидан бевосита ундирилганлиги боис, улар бевосита солиқлар бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, инфраструктура солиғининг манбаи ва объекти соф фойда бўлганлиги боис, ушбу солиқ тури ҳам бевосита солиқлар таркибига киради.

Бизнингча, бевосита ва билвосита солиқларнинг назарий ва амалий жиҳатдан иқтисодий моҳиятини тўлиқ ёритиш учун илгари берилган таърифларни умумлаштириб, қуйидаги матнда изоҳлаш жоиздир:

Билвосита солиқлар-ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар, импорт ва экспорт қилинган маҳсулотлар қийматига устама тарзда белгиланиб, айланмалар амалга оширилганда ушбу айланмалар таркибидаги устама қиймат сифатида билвосита бюджетга ундириладиган мажбурий тўловдир.

Бевосита солиқ солиш объеклари - фойда ёки даромадлар, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, фойдаланилган ресурслар қиймати ва бошқалар бўлса, билвосита солиқлар объекти - товарларнинг, иш ва хизматларнинг

қўшилган қиймати, муайян товарлар ёки хизматлар қиймати ва бошқа қонун билан белгиланган объектлар бўлиши мумкин.

Кўпгина талқинларда бевосита солиқ объекти-“солиқ тўловчининг даромади (иш хақи, фойда, фоизлар ва бошқалар) ва мол-мулк (ерлар, уйлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар) қиймати”²¹ эканлиги ифодаланган.

Бизнинг фикримизча, шулар қаторида фойдаланилган ресурсларга белгиланадиган бевосита солиқлар солиқ тўловчининг даромади ёки фойдасидан ундирилсада, лекин даромад ва фойданинг мавжудлигига катта кичиклигига боғлиқ бўлмайди.

Билвосита солиқ объекти - реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати бўлиб, олинган даромадга ёки фойдага эмас, балки айланмалар қийматига билвосита белгиланган устама миқдорига боғлиқдир. Бунда, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар қиймати, албатта, товарга айланиши лозим. Бизнинг фикримизча, билвосита солиқларнинг ҳажми айланмалар қийматига билвосита белгиланган устама миқдорига боғлиқ бўлсада, лекин ушбу устамани белгилашда талаб ва таклиф қонунидан келиб чиқиб ёндашиш лозим. Чунки талаб ва таклиф қонуни инобатга олинмасдан, юқори ставка билан билвосита солиқни белгиланиши талабга нисбатан таклифни ошишига, бозорда товарлар нархининг қимматлашувига ва ушбу товарларга нисбатан харидорларни камайишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда хуфёна иқтисодиёт юзага келиб, бозордаги истеъмолчиларнинг талаби билвосита солиқлар белгиланмаган арзон товарлар билан қондирилиши мумкин. Шунинг учун, билвосита солиқларни ундирилишини яхшилаш учун божхона интизомини мустаҳкамлаш, солиқ назоратини кучайтириш билан бир қаторда, талаб ва таклиф қонунига биноан билвосита солиқларнинг белгиланиши - хуфёна иқтисодиётни чеклайди, деб ҳисоблаймиз.

²¹ Шаулов, Д.И., Кан, Т.У. Солиқ қонунчилиги асослари. Тошкент.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. 243-б

Муаллифнинг фикрига кўра бевосита ва билвосита солиқларнинг иқтисодий моҳиятига қараб қуйдагича тарифлайди.

Бевосита солиқларни тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди. Бевосита солиқларни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлиб, бирон бир даромадга эга бўлган ва солиққа тортиш мулкига эгалик қилувчи шахслар ҳисобланади.

Билвосита солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот(иш, хизмат) юклаб юборувчилар ҳисоблансада, бироқ охир оқибат билвосита солиқлар объекти бўлган товарлар, маҳсулотлар ва хизматларни истеъмол қилувчилардир. Бевосита ва билвосита солиқлар ҳисобининг мамлакат иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрнини аниқлаш учун энг аввало ушбу солиқ гуруҳлари юқини баҳолаш лозим бўлади. Маълумки мамлакатдаги солиқ юқига баҳо беришда ҳар хил қарашлар мавжуд бўлиб, айрим олимлар ҳўжалик юритувчи субъектлар ялпи даромадидаги солиқлар салмоғини аниқлаш асосида солиқ юқига баҳо бериш мумкин деб қарайдилар.

Бизнинг фикримизча, алоҳида ҳўжалик юритувчи субъектлар ёки тармоқлар бўйича солиқ юқини аниқлаш учун юқорида айтилганидек, маълум корхонанинг ялпи даромадидаги солиқлар салмоғини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Лекин мамлакат миқёсида умумий солиқлар юқини аниқлаш ва унга баҳо бериш учун бевосита ва билвосита солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини аниқлаш лозим бўлади.

Давлат бюджети даромад қисмида солиқ тушумлари салмоқли ўринни эгаллайди. Бу борада юқорида солиқларни гуруҳларга ажратганимиздан келиб чиқган ҳолда бевоситами ёки билвосита солиқларми деган саволарга дуч келамиз. Билвосита солиқлар солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Билвосита солиқлар бугунги кунда давлат бюджетини шакллантираётган асосий солиқлар ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтаётган кўпчилик

мамлакатларда билвосита солиқлар узок вақт фискал функцияни бажаради. Ривожланган давлатлар солиқ амалиётини кузатсак, бюджет даромадларида билвосита солиқлар салмоғи паст даражада бўлиб, ривожланаётган давлатларда бюджет даромадлари таркибида билвосита солиқлар салмоғи биринчи ўринни эгалласа, ривожланган давлатларда бюджет даромадлари таркибида бевосита солиқлар биринчи ўринни эгаллайди. Бизнинг республикамиз ҳам ривожланаётган давлат ҳисобланганлиги боис, билвосита солиқлар давлат бюджетида етакчи ўринни эгаллайди.

3-жадвал

“Спецремкотломонтаж” ҳамда “АКАН ЛТД” қўшма корхоналарида бюджетга тўланадиган солиқлар динамикаси, минг сўмда

| № | Солиқ турлари | “Спецремкотломонтаж” қўшма корхонаси | | | “АКАН ЛТД” қўшма корхонаси | | |
|-------------|---|--------------------------------------|---------------|---------------|----------------------------|--------------|---------------|
| | | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил |
| 1. | Юридик шахсларнинг фойда солиғи | 3889 | 4448 | 2525 | 3020,3 | 887,1 | 5506,5 |
| 2. | Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи | 43710 | 40461 | 34469 | 7360,9 | 14621,7 | 12653,8 |
| 3. | Шу жумладан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар | 2475 | 2650 | 2382 | 472,5 | 893,6 | 1082,6 |
| 4. | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | 695 | 558 | 752 | 1861,4 | 109,1 | 1766,6 |
| 5. | Қўшилган қиймат солиғи | | 172053 | 29239 | 13889,2 | 13086,8 | 101139,3 |
| 6. | Мол-мулк солиғи | 6332 | 5937 | 2794 | 3191,2 | 5048,2 | 5384,7 |
| 7. | Ер солиғи | | | | 7146,7 | 4109,3 | 9862,4 |
| 8. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | | | | 55,4 | 94,1 | 78,1 |
| 9. | Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар | 17707 | 12904 | 17189 | 3964 | 3897,7 | 9095,7 |
| 10. | Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар | 17810 | 17846 | 13124 | 2642,6 | 3897,7 | 10395,1 |
| 11. | Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар | 11805 | 8603 | 3021 | 2642,6 | 1299,2 | 3248,5 |
| 12. | Ягона ижтимоий тўлов | 57654 | 63386 | 31815 | 14242,5 | 26981,8 | 26451,2 |
| 13. | Импорт бўйича божхона божи | | | | 206,2 | 12881 | 15637,7 |
| 14. | Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар | | | | 916,1 | 184,7 | 53,8 |
| ЖАМИ | | 162077 | 328846 | 137310 | 61611,6 | 87992 | 202356 |

Бюджет даромадларида билвосита солиқларнинг юқорилиги, бевосита солиқларнинг пастлигини ифодалайди ва ишлаб чиқарувчиларга солиқлардан

катта имтиёз борлигини ҳам кўрсатади. Чунки, солиқ тизими таркиби икки гуруҳга бўлиниб, билвосита ва бевосита солиқларни ташкил этади. Бирининг ставкасини пасайтириш билан бирининг ставкаси оширилади.

1.3. Солиқлар ҳисобининг мақсади ва вазифалари

Солиқлар ҳисоби иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида муҳим роль ўйнайди. Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби яъни, солиқлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир корхонада бухгалтерия ҳисоби воситаси орқали хўжалик фаолиятини ўганиш ҳамда солиқлар ҳисоби бўйича тегишли маълумотлар билан таъминловчи васиталар бўлиб ҳисобланади. Аввалам бор корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ҳисобнинг алоҳида ўрин эгаллайди. Корхоналар фаолият туридан қатъий назар улар ўз фаолияти бухгалтерия ҳисобисиз юрита олмайди, шунинг учун бухгалтерия ҳисоби корхонанинг ажралмас бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, корхона хўжалик фаолиятида солиқларнинг молиявий ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритиш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонунлар, Солиқ Кодекси, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган. «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, «Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом 2005йил 24февралда, «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини

эркинлаштириш тўғрисида»ги 24.06.2005 йил ПФ-3662 сонли қарор ва фармонлари қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда мамлакатда мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш иқтисодиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистонда ҳам тобора долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикада халқаро стандартларга тўла-тўқис мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби шакллари ва усулларини танлашда корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтирибгина қолмасдан, солиқларнинг молиявий ҳисоби ва ҳисобот ахборотининг ишончилиги учун уларнинг маъсулиятини яна ҳам оширди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида чет эл инвесторлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларни олиб бориш учун МХХСни ўрганиш ва шу асосида чет эл сармоядорларини жалб этиш лозим.

Ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиб келаётган корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида, жаҳон иқтисодий интеграциясига кўшилишида асосий манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳисобварақлар режаси, бир томондан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро Стандартларга яқинлаштирса, иккинчи томондан, бухгалтерия ҳисобини юритишда учрайдиган муаммоларни барҳам топтиришга кўмаклашади.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиниши, энг аввало, халқаро тажриба амалиётидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобини бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобига ажратилган ҳолда ташкил қилиш нафақат хўжалик юритувчи субъектларнинг, балки барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан давлатмизнинг иқтисодий истиқболини ошириш учун ҳам хизмат

қилади. Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби назарий ва амалий жихатдан такомиллашиб уларнинг турлари шаклланиб бормоқда. Хорижий давлатлар амалиётидан маълумки, бир-бири билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисобининг 3 тури амал қилади:

- бошқарув ҳисоби;
- молиявий ҳисоб;
- солиқ ҳисоби.

Бошқарув ҳисоби ўзида шундай ҳисоб маълумотларини жамлайдики, бу маълумотлар фақат корxonанинг ўзида бошқарув учун зарурдир. Бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннархни калькуляция қилиш билан бирга, у мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, қарор қабул қилиш, ресурслардан фойдаланиш ва таннархнинг шаклланишини бошқариш, харажатларнинг меъёрдан четга чиқишини таҳлил этиш ва бошқаларни қамраб олади. Бошқарув ҳисоби маълумотларида маълумотларни тез олиш, ўқиш ва улардан фойдаланиб, оператив бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти бўлиши керак.

Молиявий ҳисоб шундай маълумотларни ўзида мужассам этадики, ушбу маълумотлар нафақат корхона фаолиятига раҳбарлик қилишда фойдаланилади, балки ташқи фойдаланувчиларга ҳам тегишли маълумотлар маълум қилинади. Молиявий ҳисоб ахборотларни умумлаштириш ва синтез қилишга йўналтирилган. У баъзи бир давр учун корхона фойдасини тезкор аниқлашга, корxonанинг активлари ва пассивларини ҳисобот баланси шаклида умумлаштиришга, корxonанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини таърифлашга имкон беради.

Солиқ ҳисоби корхона, ташкилот ва муассасаларда солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиш, солиқ имтиёзларини қўллаш ҳамда уларни ўз вақтида бюджетга ўтказилиб борилишини таъминлаб берувчи бухгалтерия ҳисоби туридир. Солиқ ҳисоби ўз усуллари ёрдамида солиқ ва

йиғимлар, уларнинг объекти, субъектлари ва солиққа тортиш базасини, тўлаш муддатларини аниқлаб беради.

Хорижлик иқтисодчи олимлар бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобларини ҳисобнинг алоҳида тури ва қуйи тизими сифатида этироф этишмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов, А.З.Авлақуловлар Солиқлар ҳисоби барча хўжалик юритувчи субъектларда солиқлар ва тўловларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиш, солиқ имтизларини қўллаш ҳамда уларни белгиланган муддатларда бюджетга ўтказиб берилишини таъминловчи бухгалтерия ҳисоби туридир²² деб эътироф этишган. Юқорида қайд этилган олимлар солиқлар ҳисобига солиқларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиш уларни белгиланган муддатларда бюджетга ўтказиб берилиши ҳақида таърифлаб ўтишган, лекин ахборотларни йиғиш, қайд этиш, қайта ишлаш ҳамда ҳуқуқий жихатларига тўхталмаган.

К.Б.Ўразов солиқлар ҳисобини хўжалик ҳисобининг алоҳида тури эмас, балки бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми деб аташни такидлаган²³.

З.Н.Қурбановнинг фикрича “Солиқ ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган ахборотларни йиғиш, қайд этиш, қайта ишлаш, гуруҳлаш ва умумлаштириш тизимидир”²⁴.

Юқорида келтирилган таърифларни ўрганиб ва таҳлил қилиш натижасида солиқлар ҳисобига қуйдагича таъриф бердик.

Солиқлар ҳисоби- хўжалик юритувчи субъектлар солиқлар ва мажбурий тўловларни қонуний меърий ҳужжатларга асосланган ҳолда солиқларни тўғри

²² Каримов А.А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарқ НМАК Бош таҳририяти. 2004. 86-б.

²³ Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: «Фан», 2005. 29-б.

²⁴ Қурбанов.З.Н Солиқ ҳисоби: назарияси ва методология Тошкент: «Фан», 2006. 21-б.

ҳисоблаш, зарурий маълумотларни йиғиш, қайд этиш, қайта ишлаш, гуруҳлаш ва умумлаштириш ҳамда бюджетга тушишини ўз вақтида таъминлашдир.

Бу таърифга асосланган ҳолда солиқлар ҳисобининг мақсад, вазифаларини, қуйидагича баён этиш мумкин.

Солиқлар ҳисобининг мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқларни ўз вақтида тўғри ҳисобга олиб, фойдалаувчиларни аниқ ва ишончли молиявий ҳамда бухгалтерия маълумотлари билан таъминлашдир.

Солиқлар ҳисобининг вазифалари қуйидагилардир:

- корхона томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўғри ўз вақтида ҳисоблаш;
- ишончли ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш, ҳамда ички ва ташқи фойдаланувчиларни керакли маълумотлар билан таъминлашдир.
- ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида бюджетга ўтказилишини таъминлаш;

Солиқлар ҳисобининг объектларини аниқлашда бевосита бухгалтерия ҳисобининг объектига мурожат қилишимиз керак. Чунки бухгалтерия ҳисобининг объектлари молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблари объектининг асоси бўлиб ҳисобланади. Солиқлар ҳисобининг объекти бўлиб, солиқ турлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «Бухгалтерия ҳисоби объектлари. Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир»²⁵ деб кўрсатилган .

Солиқлар ҳисобининг субъекти бўлиб солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун 1996 йил 30 август

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси -боби 246 ва 346-моддаларига асоосан солиқлар ҳисобининг субъектларига қуйидагилар киритилган:

- хорижий компаниялар ва қўшма корхоналар;
- яқка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар

Эътироф этилганлардан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисобнинг предмети ва объекти категорияларига бир хил таъриф берилмаган, ҳисоб объектларининг илмий асосланган таснифи бериш охирига етказилган эмас. Буларнинг барчаси ҳисоб объектининг назарий концепциясига кенг маънодаги қарашлар билан бирга, уларнинг ҳар хиллигидан далолат беради. Бухгалтерия ҳисоби шу жумладан солиқ ҳисобининг предмети ва объектининг назарий масалалари доимо долзарблигича қолаверади. Бу назарий масалаларнинг долзарблиги солиқлар ҳисоби методининг асосий тамойилларини таҳлил қилганимиздан сўнг янада уйғунлашади.

Иқтисодиётнинг интеграллашуви жароёнида иқтисоди ривожланган мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий муносабатларни амалга оширишда молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларини (МҲХС)ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари тақидлаганидек чет эл инвесторлари билан кўпроқ иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда МҲХСдан келиб чиққан ҳолда ўзимизнинг, «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт»ларини қабул қилш ва улар асосида иш олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини соддалаштирилган тизими, корхонанинг олиб бораётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришда ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатларини барча фойдаланувчиларга, жумладан, чет эл инвесторларига қулайлигини оширади деб ҳисоблаймиз.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун тобора долзарб ишга айланмоқда. Бунга, биринчидан, халқаро бозорларда иш олиб борадиган компаниялар ўртасида муносиб муомала тили бўлишини талаб қилувчи жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, иккинчидан, халқаро андозаларни чуқур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз амалиётида кенг қўлланиш зарурлиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисобининг миллий тандартларини ишлаб чиқишда бевосита халқаро стандартларга таянилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий тандартларини амалга киритиш зарурати асосан бухгалтерия ҳисобининг базавий қоидалари ва тамойилларини тушунтириш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, у ёки бу бухгалтерия усуллари ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳисобнинг ўзига хос хусусиятларини қўллашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) 5-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (21-БХМС) “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси” ишлаб чиқилди. Корхоналарда солиқлар ҳисобини юритиш учун, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда №1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган, 21-сон БХМС- “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”га мувофиқ солиқлар ҳисобини юритиш учун 4410- “Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича) ва 6400- “Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар” пассив счёти белгиланган.

Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олишда солиқлар бўйича аналитик счётларга ҳам эга. Ваҳоланки, уларни ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолият йўналишларига кўра мустақил белгилаш ҳуқуқларига эга.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ишчи ҳисобварақлари режасини тузадилар ва у хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилади.

Барчага маълумки ташкилотда бухгалтерия ҳисоби маълум қонун қоидалар асосида юритилиши лозим. Бунда асосий муаммо шундай қоидаларни ишлаб чиқаришни талаб қиладики, унда, яъни шу қоидаларни амалга ошириш жараёнида бухгалтерия ҳисобини юритишга самарали таъсир кўрсатиш лозим. Бунда, таъсир, дейилганда молиявий ва бошқарув ҳисобини тўғри ва ўз вақтида ташкил этиш тушунилади.

Солиқларнинг молиявий ҳисобини назарий ва метадологик жихатдан такомиллаштиришда бевосита солиқ сиёсати ва бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳисоб юритиш сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тамойил ва асосларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи тушунилади²⁶.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг №604 09.12.1998 йилги буйруғига асосан, ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва оммага маълум қилиш ягона ва мажбурийдир. Хусусан, шакллантиришда – мулк шаклидан қатъий назар барча ташкилотлар учун, оммага маълум қилишда – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, ўзининг бухгалтерия ҳисоботини нашр қилувчи ташкилотлар учун.

Хўжалик юритувчи субъектлар «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлар» 1-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) асосида молиявий

²⁶ Каримов А.А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарқ НМАК Бош таҳририяти. 2004. 74-б.

хухалик фаолияти бўйича олиб бориладиган ишларни белгилаб олиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект раҳбари томонидан шакиллантирилади.

Мамлакатимизда солиқларнинг молиявий ҳисобини юритишда «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари»да белгиланган тамойиллар асосида ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида –алоҳида олиб борилади. Солиқларнинг ҳисобини ташкил қилиш, энг аввало, солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топмоғи лозим.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати қуйидагича бўлиши лозим:

- фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;
- ишончли бўлиши;
- айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятини бериши;
- тушунарли ва оддий бўлиши шарт.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил қилишнинг аниқ йўналиши бўйича субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини қўллаш лозим.

Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсатини танлаш ва асослашга қуйидаги омиллар таъсир этади:

- мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл;
- фаолият тури ёки тармоқ бўйсунуви;
- ишлаб чиқариш кўлами ҳамда ишловчи ходимларнинг сони;
- солиқ солиш тизими билан муносабат (ҳар хил солиқлардан озод бўлиш, солиқ ставкалари, солиқ солиш бўйича имтиёзлар);
- бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳаракат қилиш эркинлигининг даражаси;

- молия-хўжалик фаолиятининг ривожланиш стратегияси (узок келажакда корхонанинг иқтисодий ривожланиш масалалари ва мақсадлари, сармояларнинг кутилаётган йўналишлари, келажакдаги масалаларни ечишдаги тактик ёндошувлар);

- бошқарув фаолиятининг техник жиҳатдан қуролланганлиги;

- корхона маълумотлар билан таъминлашнинг самарали тизимининг мавжудлиги;

- бухгалтерия ходимларининг малака даражаси, корхона раҳбарларининг ташаббускорлиги, талабчанлиги ҳамда тадбиркорлиги;

- корхона иши самарасидан моддий манфаатдорлик ва мажбуриятлар бўйича моддий жавобгарлик тизими.

Корхона раҳбари юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб юритиш сиғсатини асослаши ва тўғри ёндашиши мумкин. Махсус БХМСлар бўлмаганда, корхона раҳбари ҳисоб юритиш сиғсатини ишлаб чиқишда ўз тушунчаларидан фойдаланишга ҳақли, чунки у фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботлардан фойдали ахборотларни бера олади. Ўз тушунчаларини қўллаш жарағнида корхона раҳбари БХМСнинг шу каби масалалар бўйича талаблари ва кўрсатмаларини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳар қандай бошқа ахборотни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун уларни аниқлаш, акс эттириш ва ўлчаш баҳоларини, капиталнинг асосий жаҳон молиявий бозорлари томонидан қабул қилинган тармоқ амалиётини кўриб чиқади.

Ҳозирги иқтисодиётни ривожлантириш шароитида корхона хўжалик фаолиятини солиқлар ҳисоби юритиш ва уларни самарадорлигини ошириш лозим. Шу сабабли корхоналарда солиқлар ҳисобининг самарали башқарилиши нафақат корхона фаолиятида балки давлат аҳамиятида ҳам асосий ўринни эгаллайди. Корхоналарда содир бўладиган барча хўжалик муомалаларини тўғри

хамда самарали юритилишини, солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олинишини бошланғич ҳужжатларда олиб борилиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти давомида хўжаликда содир бўлган муомалаларни юритишда, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва назорат қилишни таъминлаш учун бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси “Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари” деб номланиб, бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди²⁷ деб тақидланган. Хўжалик юритувчи субъектларда хўжалик муомалаларининг асосланганлиги, янада тўлиқчилигини таъминлаш учун ҳужжатларга асосланиб иш олиб борилади ва унинг янада ишончлилигини таъминлайди.

Хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш корxonани оператив бошқаришга самарали таъсир кўрсатади, бошқарув ходимларининг ўз вазифаларини суистеъмол қилмасдан, виждонан бажаришини таъминлайди.

Ҳужжатлаштириш ёрдамида хўжалик маблағлари ҳаракатини ўз вақтида тўғри ҳисобга олиш, шунингдек, бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ўтказишда моддий бойликларнинг бутлиги таъминланади. Шунинг учун ҳам хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш натижасида корхона мол-мулкининг бутлиги таъминланади.

Корхона ва ташкилотларда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, солиқларнинг ҳисобининг тўғри юритилганлигини аниқлаш, ҳуллас, барча жараёнлар ҳужжатларда акс эттирилади. Бу эса корхонада амалга оширилган хўжалик муомалалари устидан назорат ўрнатиш билан бирга, иш юритишда

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси. 1996

муайян тартиб-интизомни йўлга қўйилади ва оқибат натижада ҳисобни мустаҳкамлайди.

Ҳисоб ишларини умумлаштиришга фақат тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар, яъни белгиланган техник андозаларда кўзда тутилган барча реквизитлари тўлдирилган ҳужжатлар қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларининг реквизитлари қуйидагилардир:

- корхонанинг номи;
- ҳужжатнинг номи;
- унинг рақами ва санаси;
- хўжалик муомаласининг қисқача мазмуни;
- унинг миқдорий пулдаги ифодаси;
- мазкур хўжалик муомаласи учун жавобгар шахсларнинг исм-шарифи;
- мазкур хўжалик муомаласи учун жавобгар шахсларнинг шахсий имзолари;

- хўжалик муомалаларининг характери ва ҳисоб ахборотига ишлов бериш технологиясига боғлиқ ҳолда бирламчи ҳужжатларга бошқа зарур реквизитлар ҳам киритилиши мумкин.

Корхоналарда бирламчи ҳужжатларни юритишда қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардир:

- ўз вақтида тузиш;
- тўлиқ ва ишончли бўлиши;
- хўжалик фаолияти устидан дастлабки ва жорий назоратни олиб бориш.

Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳужжатлар бир нечта белгилари бўйича тавсифланади:

- тузилган жойи бўйича;
- акс эттирилган хўжалик муомалаларнинг ҳажмига кўра;
- қамраб олиш усулига кўра;
- мақсадига кўра.

Мақсадига кўра ҳужжатлар қуйидаги турларга бўлинади:

- фармойиш ҳужжатлари;
- тасдиқловчи ҳужжатлар;
- комбинациялаштирилган ҳужжатлар;
- бухгалтерия расмийлаштириш ҳужжатлари;
- ахборот ҳужжатлари.

Корхонада ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби шундай йўлга қўйилиши керакки, у сохталаштириш имкониятини, ўз вақтида келиб тушмаслиги ва уларни бухгалтерия ҳисобида кечикиб расмийлаштирилишини истисно қилсин, мазкур масалада корхона раҳбарлари томонидан тегишли назоратнинг йўқлиги нохуш оқибатларга олиб келиши ҳамда солиқлар ҳисобининг тўғри юритилмаслигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ўтказилаётган хўжалик муомалаларига доир ҳужжатлар ҳаракати устидан корхона раҳбари томонидан ҳам, бош бухгалтер томонидан ҳам ўзаро икки томонлама назорат йўлга қўйилиши лозим. Бунинг учун корхонада ҳужжатларнинг аниқ айланишини йўлга қўйиш ва масъул ижрочиларни кўрсатган ҳолда ҳужжатлар оборотининг турли босқич чизмалар кўринишида графиклар ёки ишлар рўйхатини тузиш керак бўлади. Ҳужжатлар айланиши графикини амалга ошириш устидан назоратни бош бухгалтер амалга ошириши керак.

Ҳозирги вақтда солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ ҳисобининг қўйидаги бирламчи ҳужжатларини расмийлаштириш белгилаб қўйилган:

- счёт фактуралар – акциз ва қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун;
- даромадалар ҳисоби бўйича ва жисмоний шахслар солиғи бўйича солиқ карточкаси – жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича солиқ агентлари учун;

- ҳисобланган тўловлар ва бошқа мукофотлар суммаларини, ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов, мажбурий нафақа суғуртаси учун суғурта ажратмалари суммаларини ҳисобга олиш карточкаси – ягона ижтимоий солиқ ва мажбурий нафақа суғуртаси учун суғурта ажратмаларини тўловчилар учун.

Солиқ тўловчи солиқ ҳисобини юритишда қуйидагиларни амалага ошириши мумкин:

- агар бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тартиби солиқ ҳисобидан умуман фарқ қилмаса – солиқ ҳисобини амалга ошириш учун бухгалтерия маълумотларидан фойдаланиш;

- агар бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тартиби солиқ ҳисобидан унчалик фарқ қилмаса – бухгалтерия ҳисобини регистларини қўшимча реқвзитлар билан тўлдириш, бу билан солиқ ҳисоби регистларини шакллантириш;

- агар бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тартиби солиқ ҳисобидан тўла фарқ қилса – солиқ ҳисоби регистларини мустақил олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига солиқ ҳисоби регистларини тузишнинг умумий қоидалари келтирилган бўлиб, унга кўра қуйидагилар белгилаб берилган:

1. Солиқ ҳисоби маълумотларини шакллантириш солиққа тортиш мақсадида ҳисоб объектларининг хронологик тартибда акс эттирилишини назарда тутди. Бунда солиқ ҳисоби маълумотларининг аналитик ҳисоби солиқ тўловчи томонидан шундай шакллантирилиши керакки, у солиқ базаси шаклланишининг тартибини очиқ бера олсин;

2. Солиқ ҳисобининг аналитик регистлари ҳисобга ўтказилган бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларни тизимлаштиришга ва ҳисоб китобларда солиқ базасини акс эттиришга мўлжалланган;

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида аниқланишича, бухгалтерия ҳисоби регистлари ҳисобга

ўтказилган бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларни тўплаб бориш ва уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс этиришга мўлжалланган²⁸.

Солиқ ҳисоби регистларининг бухгалтерия ҳисоби регистларидан энг асосий фарқи шуки уларда иккиёқлама ёзув мавжуд эмас. Солиқ ҳисоби регистларининг бухгалтерия ҳисоби регистрларидан расмий фарқи эса уларни юритиш манбаларидир. Солиқ ҳисоби регистларида ишлаб чиқилган жадваллар, бухгалтер маълумотлари ва солиқ тўловчининг бошқа ҳужжатларидаги маълумотлари, бухгалтерия регистларида эса ҳисобга ўтказилган бирламчи ҳужжатлардаги маълумотлари бир тизимга келтирилади.

Республикамиз амалиётида солиқларнинг бошланғич ҳужжатларда акс эттирилишини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда асосан счёт-фактуралар, олинган ва тақдим этилган счёт-фактураларни ҳисобга олиш журнали каби ҳужжатлар юритилади. Хусусан, солиқларни бошланғич бухгалтерия ҳужжатларида акс эттиришда счёт-фактуралар муҳим рол ўйнайди.

Ҳисоб-китобларни амалга оширишда солиқ тўловчи, товарни сотиб олувчига алоҳида қатор билан ажратиб кўрсатилувчи солиқ суммасига орттирган ҳолда маҳсус счёт фактурани ёзиб беради.

Корхоналарда солиқлар ҳисоби яъни, фойда солиғи, мулк солиғи, кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш шартлари ва тартиби Солиқ кодексининг тегишли бўлим ва моддалари асосида назорат қилинади.

Кўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) чегириш ёки қоплаб бериш шартлари Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Тақдим этилган солиқ суммаларини чегириш (қоплаш)да Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодексида қуйидаги талаблар назарда тутилган:

– сотиб олинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) акциз ва ҚҚСга солиғига тортилувчи операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган;

²⁸ Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун 1996. 10-моддаси

- акциз ва ҚҚС суммаси мол етказиб берувчига ҳақиқатда тўланган;
- товарлар (ишлар, хизматлар) солиқ тўловчи томонидан ҳисобга ўтказилган;

- мол етказиб берувчининг тегишли шаклда расмийлаштирилган счёт фактураси мавжуд;

Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодексига асосан счёт фактурада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши зарур:

- счёт фактуранинг тартиб рақами ва ёзилган санаси;
- солиқ тўловчи ва харидорнинг номи, манзили ва идентификация рақмлари;

- етказиб берилиши лозим бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳисобига аванс ёки бошқа тўловларни олиш ҳолларида, тўлов-ҳисоб-китоб хужжатининг рақами;

- етказиб (тушириб) берилаётган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг номи ва ўлчов бирлиги;

- счёт фактурага асосан етказиб (тушириб) берилаётган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг улар бўйича қабул қилинган ўлчов бирлигидан келиб чиқиб миқдори (ҳажми);

- келишув асосида солиқни ҳисобга олмасдан ўлчов бирлигига бўлган нарх (тариф), солиқни ичига олувчи давлат назорат нархлари (тарифлари)ни қўллашда эса, солиқни ҳисобга олган ҳолда;

- счёт фактура бўйича етказиб (тушириб) берилаётган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг жами миқдорига бўлган қиймат, солиқсиз;

- акциз ости товарлари бўйича акциз суммаси;

- солиқ ставкаси;

- қўлланилаётган солиқ ставкалари асосида ҳисоблаб чиқарилган, товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олувчига тақдим этилаётган солиқ

суммаси;

- счёт фактура бўйича етказиб (тушириб) берилаётган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг жами миқдорига бўлган қиймат, солиқ билан;
- товар ишлаб чиқарилган давлат;
- божхона юк декларацияси рақами;

Охирги иккита бандлар назарда тутган маълумотлар ишлаб чиқарувчи давлат Ўзбекистон Республикаси бўлмаган товарларга нисбатан кўрсатилади.

Корхонада солиқлар ҳисобини юритишда янги жорий этилган ҳисобварақ-фактурада ҳам акциз солиғини алоҳида акс эттирилиши солиқлар ҳисобини янада аниқ ва тўғри юритилишига олиб келади. Олдинги тартибда юритиладиган ҳисобварақ-фактурада акциз солиғини алоҳида кўрсатилмаган эди, бу эса акциз солиғини ҳисоблашда бухгалтерия ҳисобида бир қанча чалкашликларга олиб келган. Умуман олганда ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш тартиби ўзгармайди. Лекин янги шаклда акциз солиғи ставкаси ва суммасини кўрсатиш учун устунлар жорий этилди-олдин бундай шакилни фақат акцизли маҳсулот ишлаб - чиқарувчилар қўллаганлар.

Солиқлар ҳисобини дастлабки ҳужжатларда акс эттиришда бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли ҳам кенг қўлланилади. Бунда юқорида қайд этилган счёт-фактурада кўрсатилган хўжалик муомалалари бўйича ёзувлар йиғма ва гуруҳловчи қайдномаларда (журнал-ордерлар), шунингдек, ёрдамчи қайдномаларда гуруҳлаб борилади. Бухгалтерияга келтирилган бошланғич ҳужжатлар мемориал-ордерларда акс эттирилмасдан, бевосита шу журналларнинг ўзида акс эттирилади, чунки бухгалтерия ҳисобининг бу шаклида қўлланиладиган журналлар бир вақтда хўжалик муомалаларини бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирувчи ордерлар ҳисобланиб, мемориал-ордерларни тузиш заруриятини йўқотади. Бу ерда мемориал-ордерларнинг ўрнини аввалдан ҳисобварақларнинг корреспонденцияси тузиб

кўйилган махсус ҳисоб регистрлари тузилади. Бу регистрлар йиғма ва гуруҳловчи кайдномалар, яъни журнал-ордерлардир. Журнал-ордерларда бирламчи ҳужжатларнинг маълумотларини тўғри гуруҳлаштиришни таъминлаш учун ҳисобварақлар кредити бўйича намунавий корреспонденция ва ойлик, чорақлик ҳамда йиллик ҳисоботлар учун зарур бўлган кўрсаткичлар рўйхати назарда тутилган. Жамлама ва таҳлилий ҳисоб учун мўлжалланган журнал-ордерларда, бундан ташқари, таҳлилий ҳисобнинг зарур моддалари ҳам назарда тутилган.

Бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклининг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- ◆ Журнал-ордерларда муомалаларни рўйхатга олиш тартибида ёзувлар фақат ҳисобварақлар кредити бўйича, дебетланувчи ҳисобварақлар билан корреспонденцияда амалга оширилади;

- ◆ Жамлама ва таҳлилий ҳисоб ёзувлари ягона тизимдан жой олади;

- ◆ Хўжалик ҳисоблари бухгалтерия ҳисобида даврий ва йиллик ҳисоботларни назорат қилиш ва тузиш учун тақозо этиладиган кўрсаткичлар бўйича акс эттирилади;

- ◆ Олдиндан кўрсатилган ҳисобварақлар корреспонденцияси, таҳлилий ҳисоб моддалари номенклатураси, даврий ва йиллик ҳисоботларни тузиш учун тақозо этиладиган кўрсаткичлар билан биргаликда регистрлардан фойдаланилади;

- ◆ Ойлик журнал-ордерлар қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ҳисоб регистрлари шундай тартибда тузилиши лозимки, бунда бухгалтерия ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни тўғридан-тўғри шу регистрларнинг ўзидан олиш мумкин бўлсин. Бухгалтерия ҳисоботининг ҳамма турларини ва жадвалларини шу ҳисоб регистрларининг маълумотлари асосида қўшимча ишлар бажармасдан бевосита тузиш мумкин.

Счѐт-фактураларда акс эттирилган акциз ва ҚҚС суммалари 7-журнал-ордер шаклида юритилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ҳужжатларнинг айланиши тезлашади, мемориал-ордер ва рўйхатга олиш журналлари тузилмайди, жамлама ва таҳлилий ҳисоб қўшилиб кетади ва ҳисоботни қўшимча ишлар бажармасдан тўғридан-тўғри ҳисоб регистрларидан тузиш мумкин ва ҳоказо. Буларнинг барчаси ҳисоб регистрларидаги ёзувларнинг такрорланишини йўқотади ва иш усулининг қуйидаги ҳолда бўлишини таъминлайди: ҳужжатларда расмийлаштирилган хўжалик муомалаларини акс эттириш, ҳужжатлардан ҳисоб регистрларига маълумотларни ёзиб олиш ва ҳисобот учун ҳисоб регистрларининг маълумотларини жамлаш каби жараёнларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида вақтнинг тежалиши, хато ёзувларнинг бирмунча камайиши ва объектлар ҳақидаги маълумотларнинг бирмунча кўрғазмали бўлиши таъминланади.

II боб. Хусусий сектор корхоналарида солиқлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш

2.1. Бевосита солиқлар ҳисобини ташкил қилиш

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида фойда солиғи алоҳида ўрин тутади. Фойда солиғини тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлаш бухгалтерия ҳисобида муҳим эътибор қаратадиган масалалардан бири ҳисобланади.

Фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг таркибий элементи ҳисобланиб, миллий даромадларни қайта тақсимлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мазкур солиқ бевосита солиқ бўлиб, унинг суммаси корхона хўжалик фаолиятининг пировард молиявий натижаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Фойда солиғи тўловчилари солиқ солинадиган фойдага эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Солиқ объектини тўлиқ ва тўғри ҳисоблаш учун жами даромад таркибини мукамал ўрганиш зарур бўлади.

Жами даромад таркибига юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олинган) ёки у текинга олган пул ёки бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадлар қуйидагилардир:

а) товар (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромад; товар (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум деганда қуйидаги суммалар тушунилади:

◆ юклаб жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган суммалар;

◆ буюртмачи тасдиқлаган бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар;

◆ хизматлар кўрсатилиши фактини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган суммалар.

Фойда солиғини тўловчилар ҳисобланадиган харид, тайёрлов ва савдо ташкилотлари учун солиққа тортиш мақсадларида сотишдан олинган тушум деганда, сотилган товарларнинг сотиш нархи билан харид нархи ўртасидаги фарқ тушунилади.

Воситачилик фаолиятидан даромадлар (комиссион рағбатлантиришлар, фоизлар сифатидаги) оладиган корхоналар учун тушум деганда, солиққа тортиладиган даврда амалга оширилган ҳамма битимлар бўйича олинган комиссион рағбатлантириш ҳақлар (фоизлар) суммаси тушунилади.

б) асосий воситалар, номоддий активлар қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромад;

Солиққа тортиш мақсадида корхонанинг асосий фондлар ва бошқа мол-мулкни сотишдан олган даромадини белгилашда ушбу фондлар ва мол-мулкнинг сотиш қиймати билан қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ (ортиқча сумма) ҳисобга олинади. Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати, асосий фондлар, номоддий активларга нисбатан қўлланилади.

Агар активларнинг бир қисми сотилса, унда активнинг сотиш пайтидаги қиймати қолган ва сотилган қисмлар ўртасида тақсимланади.

Активларнинг текинга ёки камайтирилган қиймат бўйича берилиши ҳолларида берувчи шахснинг активлари қиймати вужудга келган харажатлар асосида, олувчи шахснинг даромадлари эса – кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин бериладиган активларнинг таннархидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

в) фоизлар сифатидаги даромад;

г) дивидендлар;

д) текинга олинган мол-мулк.

Агар воситаларнинг текинга берилиши вазирлик, концерн, трест ва шу кабилар тизим деб тушуниладиган тизим ичидаги корхоналар ўртасида юз берадиган бўлса ва бундай воситалар бўлиш баланси бўйича юқори ташкилот

буйруғига кўра олинган бўлса, унда улар солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

е) мол-мулкни ижара беришдан олинган даромад.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, агар ижарага берувчи амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича ижарага топширса, унда бундай операция солиққа тортиш мақсадларида ижарачи томонидан мол-мулк харид қилинган деб кўриб чиқилиши лозим.

Амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларнинг ижараси агар қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келса, у лизинг ҳисобланади:

ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса; ижарачи асосий воситаларни қатъий белгиланган нархда ёки ижара тугаганидан сўнг белгиланадиган нарх бўйича харид қилиш ҳуқуқига эга бўлса; ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугалланганидаги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса; ижарага олинган бутун давр учун жорий тўловларнинг суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса.

Фойда солиғи қуйидаги ставкалар бўйича ундирилади:

4-жадвал

2012 йилда юридик шахслар фойдасидан олинадиган солиқ ставкалари

| № | Тўловчилар | Солиққа тортиладиган даромадга нисбатан % лардаги солиқ ставкалари |
|----|--|--|
| 1. | Юридик шахслар | 9 |
| | Тижорат банклари | 15 |
| 2. | Аукционлар ўтказишдан, гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига бўлган юридик ва жисмоний шахсларни, шунингдек норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар | 35 |
| 5. | Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги хиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун: | |
| | Сотишнинг умумий ҳажмида 15 %дан 30 %гача | Белгиланган ставка 30%га пасайтирилади. |
| | Сотишнинг умумий ҳажмида 30 % ва ундан ортиқ | Белгиланган ставка 50%га пасайтирилади. |

Солиқ тўловчилар йилнинг биринчи чораги, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йил якуни бўйича мустақил равишда йил бошидан бошлаб ўсиб боровчи жамлаш тартибида фойда солиғи суммасини солиққа тортиладиган ҳақиқатда олинган фойдадан берилган имтиёзлар ва белгиланган солиқ ставкаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб борадилар.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси аввал ҳисобланган тўловларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Солиқ бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағида алоҳида амалга оширилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган солиқ 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағининг кредитига 9810-«Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Солиқ суммаларини ўтказиш 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи дебитида ва 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»нинг кредитида акс эттирилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш берилган.

Кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига назарда тутилган амалдаги солиқ солиш тизими билан бир қаторда қўлланилади.

Солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида кичик корхоналарга берилади.

Мисол. Кичик корхона таъмирлаш ва қурилиш ишларини амалга оширади. Бажарилган ишлардан ялпи тушум 530 минг сўмни ташкил этса, солиқ ставкаси 6%.

Солиқ қуйидагича ҳисобланади:

$$530 \text{ минг сўм} * 6\% / 100 = 31,8 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу солиқ ҳисобланганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9810-«Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар» ҳисобварағи.

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи.

Бу солиқ бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи.

Юридик шахслар мол-мулкига солиқ солишнинг мақсади кераксиз ва ортиқча ускуналар ҳамда бошқа мулкларнинг корхоналарда меъёрдан ортиқча сақланишини бартараф этишдан, корхоналарда товар обороти жараёнини жадаллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, мустақил балансга эга бўлган, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган барча юридик шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Шунингдек корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, мустақил балансга эга бўлган филиал, ваколатхона ёки бошқа шаклдаги таркибий қисмлари ҳам мол-мулк учун солиқ тўловчилар саналади. Солиқ солиш ставкалари ва солиқ солиш объектлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу солиқ корхонанинг мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан олинади. Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ставкаси қуйидагича:

5-жадвал

2012 йилда юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи солиқ ставкалари

| Тўловчилар | Солиқ солинадиган базага нисбатан % ларда солиқ ставкалари |
|---|--|
| Юридик шахслар | 3,5 |
| Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун: | |
| Сотишнинг умумий ҳажмида 15% дан 30%гача | белгиланган ставка 30%га пасайтирилади |
| Сотишнинг умумий ҳажмида 30% ва ундан ортиқ | белгиланган ставка 50%га пасайтирилади |

Солиқ солиш объекти бўлиб, корхона асосий воситаларининг, шу жумладан лизинг шартномаси бўйича қабул қилинган асосий воситаларнинг) ўртача йиллик қолдиқ қиймати, номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ва корхоналарнинг ўз вақтида ўрнатилмаган ва ишлатилмаган ускуналари ҳисобланади. Корхона балансида бўлган асосий воситалар, шу жумладан, лизинг шартномасига кўра сотиб олинган воситалар ва номоддий активларнинг эскириши чегириб ташланган ўртача йиллик қолдиқ қиймати солиққа тортиш объекти ҳисобланади, бундай объектлар кейинги ўринларда мол-мулк деб аталади.

Корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати мол-мулкнинг ҳисобот йили 1 январидаги қолдиқ қиймати ярмини ҳисобот йилидан кейинги йил 1 январидаги қолдиқ қийматининг ярмига қўшилишига ҳосил бўлган суммани, шунингдек мол-мулкнинг ҳисобот давридаги қолган барча ойларнинг биринчи кунидаги қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан ҳосил бўлган хусусий ҳосила сифатида қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$$\text{Ўртача йиллик қолдиқ қиймати} = \frac{(1\text{янв}/2) + 1\text{фев.га} + \dots + 1\text{дек.га} + (1\text{янв}/2)}{12}$$

Мисол: Корхона 2011 октябрда ишга туширилган.

6-жадвал

2011 йил учун корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби

| Баланс моддалари номи | Ҳисоб варақ коди | Баланс сатри коди | Баланс моддалари бўйича қуйидаги саналардаги суммалари: | | | | |
|---|------------------|-------------------|---|-----|-------|-------|-------|
| | | | 01.01 | ... | 01.11 | 01.12 | 01.01 |
| Асосий воситалар | 0110-0199,0310 | 010 | - | - | 845 | 845 | 835 |
| Номоддий активлар | 0410-0490 | 020 | | | | | |
| Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши | | 011, 021 | | | 100 | 100 | 100 |
| Солиқ солиниши лозим бўлган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати | | 012, 022 | | | 745 | 745 | 735 |

Солиқ солишнинг лозим бўлган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати=

$$\frac{(745 \div 2 + 745 + 735 \div 2)}{12} = 123,75$$

Йил давомида мол-мулкнинг ҳисобот давридаги (йил чораги, ярим йиллик, 9 ойлик) қолдиқ қиймати мол-мулкнинг биринчи ойнинг 1 кунидаги қолдиқ қийматининг ярмини ҳисобот даврида кейинги ойнинг 1 кунидаги қолдиқ қийматининг ярмига қўшилишидан ҳосил бўлган суммани, шунингдек мол-мулк қолдиқ қийматининг ҳисобот давридаги қолган барча ойларнинг 1 кунидаги суммасини ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлишдан ҳосил бўлган хусусий ҳосила сифатида белгиланади.

Масалан:

1) ҳисобот йилининг 1 чораги учун:

$$\text{Мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{(I_{янв} / 2) + I_{фев.га} + \dots + I_{дек.га} + (I_{янв} / 2)}{12}$$

2) 13 мартдан бошлаб мол-мулк солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланадиган корхона учун:

$$\text{Мол-мулкнинг 1 чорак учун ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{I_{мартга} / 2 + I_{апрелга} / 2}{3}$$

Солиқ солинадиган базани белгилаш учун бухгалтерия ҳисобининг баланс активида акс эттириладиган қуйидаги ҳисобварақлар бўйича суммалар қабул қилинади:

0110-0199-«Асосий воситалар»

0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ҳисобварақлари»

0410-0490-«Номоддий активлар».

Мулк солиғи ҳисобланганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)».

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда қуйидагича проводка берилганида:
 Д-т 6410-« Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»
 К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

7-жадвал

**“Спецремкотломонтаж” ҳамда “АКАН ЛТД” қўшма корхоналарида
 бевосита солиқлар динамикаси**

| № | Солиқ турлари | “Спецремкотломонтаж” қўшма корхонаси | | | | | | “АКАН ЛТД” қўшма корхонаси | | | | | |
|----|---|--------------------------------------|------------|--------------|------------|--------------|------------|----------------------------|------------|----------------|------------|----------------|------------|
| | | 2009 йил | | 2010 йил | | 2011 йил | | 2009 йил | | 2010 йил | | 2011 йил | |
| | | минг сўмда | % да | минг сўмда | % да | минг сўмда | % да | минг сўмда | % да | минг сўмда | % да | минг сўмда | % да |
| 1. | Юридик шахсларнинг фойда солиғи | 3889 | 7,1 | 4448 | 8,7 | 2525 | 6,2 | 3020,3 | 13,3 | 887,1 | 3,6 | 5506,5 | 15,6 |
| 2. | Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи | 43710 | 80,0 | 40461 | 78,7 | 34469 | 85,0 | 7360,9 | 32,5 | 14621,7 | 58,8 | 12653,8 | 35,9 |
| 3. | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилман и ривожлантириш солиғи | 695 | 1,3 | 558 | 1,1 | 752 | 1,9 | 1861,4 | 8,2 | 109,1 | 0,4 | 1766,6 | 5,0 |
| 4. | Мол-мулк солиғи | 6332 | 11,6 | 5937 | 11,5 | 2794 | 6,9 | 3191,2 | 14,1 | 5048,2 | 20,3 | 5384,7 | 15,3 |
| 5. | Ер солиғи | | | | 0 | | 0 | 7146,7 | 31,6 | 4109,3 | 16,5 | 9862,4 | 28,0 |
| 6. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | | | | 0 | | 0 | 55,4 | 0,2 | 94,1 | 0,4 | 78,1 | 0,2 |
| | Жами | 54626 | 100 | 51404 | 100 | 40540 | 100 | 22635,9 | 100 | 24869,5 | 100 | 35252,1 | 100 |

Юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган хорижий инвестицияли юридик шахслар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг 2-сон шакли 170-сатрида «Солиқ солинадиган фойда» қийматидан фойда солиғи айрилган суммаси ҳисобланади. Солиқнинг энг юқори ставкаси солиққа тортиш объектининг 8%и миқдорида белгиланган. Маҳаллий ҳокимият идоралари солиқни паст ставкалар бўйича тўлаши мумкин.

Мисол. Солиқ тўлашдан аввалги корхона фойдаси 500000 сўм. Фойда солиғи суммаси 200000 сўм.

$500000 - 200000 = 300000$ сўм. Ушбу суммани солиқ ставкасига кўпайтирамиз $300000 * 8 / 100 = 24000$ сўм.

Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» ҳисобварағи

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» ҳисобварағи

Мазкур солиқ бюджетга тўланганда:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» ҳисобварағи

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи.

2.2. Билвосита солиқларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир.

Солиқ тўловчилар мукчиликнинг барча шакллариغا кирувчи мустақил баланс ва ҳисоб-китоб счётига эга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар, ташкилотлар ва уларнинг мустақил бўлинмаларидир.

Товар (иш, хизмат)ларнинг сотилишига доир оборотлар, яъни юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборот ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20% миқдорида белгиланган.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{ҚҚС}} = C_{\text{Тоб}} * \text{СС}/100$$

Бунда: $C_{\text{ККС}}$ – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

$C_{\text{Тоб}}$ - солиққа тортиладиган оборот;

CC — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида — солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{ККС}} = T_{\text{к}} * CC / (CC + 100)$$

бунда: $T_{\text{к}}$ — қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товар (иш, хизмат)ларни сотадиган корхоналар эркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини қўшмайдилар.

Ягона солиқни тўлайдиган кичик корхоналар, шунингдек, ялпи даромад солиғини тўлайдиган улгуржи савдо корхоналарига ҳам шунга ўхшаш тартиб тегишли бўлади.

15 ва 20 фоизлик миқдорлардаги ставкалар бўйича қўшилган қиймат солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар товарларнинг сотилиши ва уларга доир солиқлар суммаси юзасидан қўлланиладиган ставкалар бўйича алоҳида ҳисобни юритиши ва ҳисоб-китоб ҳужжатларида солиқ суммаларини товарлар турлари бўйича қўлланиладиган ставкаларга қараб кўрсатиши лозим.

Хом-ашё ва материалларни сотиб олувчи корхоналар уларнинг қийматини мол етказиб берувчиларга қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиб тўлайдилар. Мол етказиб берувчи харидордан олган қийматдан бюджетга солиқни тўлайди.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан қиймати ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига киритиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган

(тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Хом-ашё ва материаллар қабул қилган корхоналар уларнинг қийматини мол етказиб берувчиларга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) билан биргаликда тўлайди. Мол етказиб берувчи корхона олинган тушумдан ҚҚСни бюджетга тўлайди.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир. ҚҚС 20 фоизлик ставкада ундирилади.

ҚҚС икки хил усулда ҳисобланади:

1) Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$C_{\text{ҚҚС}} = C_{\text{Тоб}} * \text{СС}/100; \quad (1)$$

Бунда: $C_{\text{ҚҚС}}$ – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

$C_{\text{Тоб}}$ - солиққа тортиладиган оборот;

СС — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

2) Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар буйича сотилганида — солиқ қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$C_{\text{ҚҚС}} = T_{\text{к}} * \text{СС}/(\text{СС}+100); \quad (2)$$

бунда: $T_{\text{к}}$ — қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Масалан, компания мол етказиб берувчилардан 200000 сўмлик материал сотиб олди. ҚҚС суммаси қуйидагича бўлади:

1- ҳолат буйича:

$$\text{ҚҚС суммаси} = (200000 * 20\%) / 100\% = 40000 \text{ сўм.}$$

2-ҳолат буйича:

ҚҚС суммаси= $(200000*20\%)/(100\%+20\%)=33333,33$ сўм.

Моддий бойликларни харид қилиш бўйича тўланадиган ҚҚСни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиб бориш учун 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» ҳисобварағидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Материаллар ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга сарфланиши жараёнида ҳисобланган ҚҚС суммаси 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» ҳисобварағидан 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» ҳисобварағига сарфланган материаллар қийматига мутаносиб равишда ўтказилади.

Мисол. Корхона мол етказиб берувчидан 100000 сўмлик материал қабул қилиб олди. ҚҚС-20000 сўм. Жами – 120000 сўм. Ушбу муомалага қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

◆ сотиб олинган материал қийматига- 100000 сўм:

Д-т 1010-«Хом-ашё ва материаллар» - 100000 сўм

К-т 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 100000 сўм.

◆ ҳисобланган ҚҚС суммасига-20000 сўм:

Д-т 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» - 20000 сўм

К-т 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 20000 сўм.

◆ Мол етказиб берувчига пул ўтказиб берилганида:

Д-т 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 120000 сўм

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» - 120000 сўм.

Ҳисобот оғи давомида корхонада 45000 сўмлик материал ишлаб чиқаришга сарфланди. Демак, ҚҚС 9000 сўмга тенг:

$(45000*20\%)/100\%=9000$ сўм.

Бу суммага қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 9000 сўм

К-т 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» - 9000 сўм.

Корхоналар ўз маҳсулотларини сотилишини ҳисобга олиш билан бир қаторда маҳсулот(иш, хизмат) лар учун қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ҳам ҳисобга олиб боришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси 1997 йил 5 декабрда «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (иш ва хизмат) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» йўриқномани ишлаб чиқди ва 1998 йил 1 январдан бошлаб амалда қўллаш учун тавсия қилинди. Мазкур йўриқномада умумий қоидалар, солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объектлари, солиққа тортиш оборотларини аниқлаш, солиққа тортиш оборотларини коррективировка қилиш, солиқ имтиёзлари ҳамда ставкалари бюджетга тўланиши керак бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби, счёт-фактура солиқни тўлаш муддати ва ҳ.к. ларини тақдим қилиш, солиқ тўловчиларнинг масъулияти, солиқ идораларининг назорати батафсил баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар. Юридик шахслар деганда солиққа тортиш мақсадида мулкка эга бўлган корхона, бирлашма, ташкилотларнинг ҳамма турлари, хўжалик юритувчи ёки мулкни оператив бошқарувчи, бу мулкка ўзининг мажбурияти бўйича жавоб берувчи ҳамда мустақил баланс ва ҳисоб-китоб счётига эга бўлган корхоналар тушунилади.

Товарлар (иш, хизмат) бўйича оборот деб, жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тушунилади.

Ушбу йўриқномада кўрсатилишича, товарлар (иш, хизмат) реализацияси бўйича оборотлар қўшилган қиймат солиғига тортиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномага мувофиқ аниқланадиган ўзининг мақсадлари ва оборот учун фойдаланиладиган қўшилган

қиймат солиғини тўлашдан озод этилганлар бундан мустаснодир. Қўшилган қиймат солиғи 20% ставкада тўланади. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС солиғининг суммаси реализация қилинган товарлар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасидан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига қўшиладиган товарлар (иш, хизмат) қиймати учун тўланиши керак бўлган солиқ суммасининг айирмасига тенг. Бу тартиб қўшилган қиймат солиғини тўловчи барча корхона ва ташкилотларга тааллуқли.

Асосий воситалар ва номоддий активлар қўшилган қиймат солиғи тўланган сумма қўшилган ҳолда сотиб олиниш қиймати бўйича ҳисобда акс эттирилади. Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган товар сотадиган, иш ва хизматлар бажарадиган корхоналар ҳамда ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлган корхоналар, кўрсатилган товарларни олувчи шахсга счёт-фактура расмийлаштиришга мажбурдирлар. Счёт-фактура йўриқномада кўрсатилган шакл бўйича ёзилиши шарт.

Харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотларга ҚҚС ҳисобланганида куйидагича проводка берилади:

Д-т 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар».

ҚҚС суммаси бюджетга ўтказиб берилганида куйидагича проводка берилади:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган сотувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи корхоналар ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни оладиган шахсга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиш шарт.

Бунда мазкур корхоналар ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатишмайди ва «қўшилган қиймат солиғисиз» деган белгили муҳр қўяди (ёки ёзувни ёзади).

Корхоналар қўшилган солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тасдиқланган шакл бўйича ўсиб боровчи яқун билан солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати идораларига ҳар ойда ҳисоб ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан ва йил яқунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этади.

Корхоналар солиқни қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун белгиланган кунгача, тегишли давр (ой) учун сотишга доир амаллардаги оборот асосида тўлайди.

Солиқ бўйича ўтган ой учун тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан ошган корхоналар охирги ойлик ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг иккидан бири миқдорида жорий тўловларни тўлайди (ҳисобот ойнинг 20-куни ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунида), сўнгра сотиш бўйича ҳақиқий айланмалардан келиб чиқиб, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар қайта ҳисоб-китоб билинади.

Агар корхона маҳсулот (иш, хизмат)ларни барқарор бўлмаган тарзда ишлаб чиқарадиган бўлса ёки корхонада навбатдаги ҳисоб даврида солиқ солинадиган оборот мавжуд бўлмаса, унда улар тўловларни ҳисоблашнинг биринчи муддатигача бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар бериши лозим.

Навбатдаги ҳисобот даврида мўлжалланган оборот камайган ҳолда тўловларнинг ҳисобланиши баён қилинган оборот ва тўланиши мўлжалланган солиқ суммаси асосида амалга оширилади.

Янгидан ташкил қилинган корхоналар, шунингдек, илгари тўловчи бўлмаган корхоналар фаолиятининг биринчи оyi учун солиқни амалдаги

оборот асосида тўлайдилар. Фаолиятнинг кейинги ойларида қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади.

Корхона солиқлар ва йиғимлар суммаларини ортиқча тўлаган ҳолда ҳамда солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган ҳолда бундай суммалар навбатдаги тўловлар ҳисобида ўтказилади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун муддатда солиқ идораси томонидан солиқ тўловчига қайтарилади.

Акциз солиғи соф даромад нархида ва қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинмаган, билвосита солиқ сифатида бюджетга тўланадиган солиқдир.

Акциз солиғи олинмаган товарлар рўйхати ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан табақаланган ҳолда белгиланади. Вазирлар Маҳкамаси солиқ ставкалари ва акциз солиғи солинадиган товарлар рўйхатини қайтадан кўриб чиқиб жорий этиш ҳуқуқига эга. Акциз солиғи солинадиган товарнинг натурада ҳақ тўлаш сифатида ёки бепул берилиши ҳам солиққа тортиладиган объект ҳисобланади. Бунда солиқ тўловчида товарни бериш пайтида қарор топган, лекин бундай акциз солиғи солинадиган товарнинг ишлаб чиқарилишига доир амалда таркиб топган харажатлардан паст бўлмаган нархлар даражасида ҳисоблаб чиқилган қиймат солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формулага биноан белгиланади.

$$(O \times A) / 100, \text{ бунда:}$$

O – акциз солиғи суммасини ўз ичига оладиган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) нарх;

A – акциз солиғи ставкаси.

Акциз маркалари ёпиштирилган товарлар бўйича акциз солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғини тўлаш ҳисобига ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунларга мувофиқ берилган хом-ашё маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинади.

Берилган хом-ашёдан ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблашда акциз солиғи солинадиган маҳсулотнинг сотилишига доир айланма бундай товарларни ишлаб чиқаришга оид ишлар қиймати ва берилган хом-ашё қиймати асосида белгиланади.

Мисол: Телевизор ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилган телевизорларнинг сотилиш нархи 1000000 сўм. Акциз солиғи ставкаси 15%. Демак солиқ — 150000 сўм ($1000000 \times 15\% : 100$). Телевизорларнинг сотилиш нархи 1150000 сўм ($1000000 + 150000$). Телевизорларнинг сотилиш қиймати:

Д-т 5110- «Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи - 1150000 сўм

К-т 9010- «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» ҳисобварағи - 1150000 сўм.

Акциз солиғи қиймати:

Д-т 9010-«Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» ҳисобварағи - 150000 сўм.

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи - 150000 сўм.

Акциз солиғи бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи - 150000 сўм.

Д-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи - 150000 сўм.

Тўловчилар томонидан амалдаги сотиш ҳажми асосида ҳисоблаб чиқилган акциз солиғи суммаси қуйидаги муддатларда бюджетга тўланади:

— жорий ойнинг 13-кунигача — жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

— жорий ойнинг 23-кунигача — жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

— навбатдаги ойнинг 3 кунгача – ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни деб ҳисобланади.

Акциз солиғининг ўн кунлик тўловлар бўйича келиб тушган суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтнинг ўзида солиқнинг «ҳисобланиши» ва «тўланиши» устунларида акс этгирилади.

Солиқ тўловчи ўзи рўйхатдан ўтган тегишли солиқ хизмати идорасига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-кунигача акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни, унга солиқ солинмайдиган айланмалар суммалари кўрсатилган маълумотномани илова қилиб тақдим этади.

2.3. Солиқлар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари

Иқтисодий ислохотлар олиб борилаётган бир пайтда, шу жумладан билвосита солиқларнинг молиявий ҳисобини юритиш соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Ўтган даврларга эътибор қаратадиган бўлсак мамлакатимизда макро иқтисодий барқарорликка эришилди, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ишлаб чиқилди, давлат инвестициялари орқали бир неча йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди, энг муҳими мулкчиликка бўлган муносабат ўзгарди ва мустақил тадбиркорлик фаолияти юритиш асосий ҳаёт кечириш манбаи эканлиги кишилар онгида шаклланиб улгурди.

Ҳозирда мамлакатимиз солиқ тизими олдида бозор муносабатларини тўлақонли шакллантириш учун шарт-шароит яратиш билан бир қаторда давлат бюджетининг маблағлар билан таъминлаш ҳамда устивор йўналишдаги иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш ва солиқ

сиёсатини такомиллаштириб боришни талаб этилади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов солиқ сиёсатини такомиллаштириш ҳақида шундай таъкидлаган: «... бунда иқтисодиётда солиқ юкини янада камайтириш, солиқ солиш тартибини содалаштириш, маъмурий солиқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодий жихатдан асоссиз ва самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг бу борадаги мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ бажаришдан манфаатдорлигини ошириш кўзда тутилганини айтиб ўтиш лозим».²⁹

Барча билвосита солиқлар каби қўшилган қиймат солиғи ҳам асосан солиқларнинг фискал функциясини бажаради, уни жорий қилишдан асосий мақсад давлат бюджети даромад қисмини маблағ билан тўлдириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни амалга оширишдан иборат. Қўшилган қиймат солиғи солиқ тушумларини нарх-навонинг ўсиши билан тўғридан тўғри боғлаб турганлиги учун у бюджет маблағларини инфляция бўлишлигидан сақлаб қолувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан бўладиган муносабатларини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиб бориш учун 4400-«Бюджетга бўнак тўловларни ҳисобга олувчи счётлар» ва 6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар»дан фойдаланилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда Бухгалтерия ҳисобининг 21- миллий стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, бюджетга ҳисобланган ва тўланган бўнак тўловларини ҳисобга олиш учун белгиланган 4400 счётда бўнак тўловлари ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Корхоналар ҳисоб сиёсати асосида амалдаги қонунчиликга мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби счётлари режасида солиқ турлари бўйича аниқ счётлар рақамини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

²⁹ И.А. Каримов. «Давлат бюджети-халқ фаровонлигини оширишнинг асосий воситаси» «Солиқлар ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газетаси 39(583)-сон 26 сентябрь 2005 йил 2-3-б.

Корхоналарда билвосита солиқларни ҳисобга олиш учун 6420- “Билвосита солиқларни ҳисобга олувчи счётлар” деб номланган счётни очишни таклиф қиламиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида билвосита солиққа тортишнинг кучайиш ролини ва муҳимлигини инкор қилмаган ҳолда қуйидаги ҳолатларга эътибор берилиш керак:

1. Республикадаги билвосита солиқларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганганимизда билвосита солиқларни мукамаллаштириш босқичма-босқич амалга оширилишини кўрамыз. Бунда давлат бюджети ва ЯИМда билвосита солиқлар улуши камайишини кўрамыз.

2. Билвосита солиқларнинг янги турлари ёки солиқ ставкалари миқдорини ўзгартиришда ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилишини эътиборга олиш лозим. Агар салбий таъсир пайдо бўлганда ушбу таъсирни иложи борича минималлаштириш керак.

3. Бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларнинг билвосита солиқларни қўллаш буйича тажрибаларидан кенг фойдаланиш лозим. Халқаро тажрибалардан кўринадики, билвосита солиқларнинг роли ижобий ва узок вақт ўсиши қачонки ушбу солиқлардан олинган қўшимча молиявий маблағлар иқтисодий ўсишни ривожлантиришга йўналтирилган вақтда бўлади.

ҚҚС ҳисоби бошқа солиқлар ҳисобига нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

- ҚҚС маҳсулотнинг сотув нархига қўшилмай унинг устига қўйилиб, харидор томонидан тўлаб берилади, бу эса ўз вақтида ишлаб чиқаришнинг харажатларига ва рентабеллигига таъсир этмайди;

- солиқ ундириш системасининг соддалиги солиқ органи учун ҳамда солиқ тўловчилар учун ҳам қулайлик яратади. ҚҚСни ҳисоблаш жараёни ўз-ўзини текшириш жараёни деса ҳам бўлади, чунки кейинги сотиб олувчи аввалги

таъминотчини ҳисобварақ-фактурасида тўланган солиқ суммасини белгилашда тўғри қўйилишини текшириб боради;

- қушилган қиймат солиғи тармоқ ва корхоналарнинг иқтисодий фаолият турларидан, капитал жамғармасидан, ишлаб чиқариш туридан, катта-кичиклигидан қатъи назар бир хилда солиққа тортиш даражаси қўлланилади;

- кўпгина давлатларда корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини четга экспорт қилувчи фирма-экспортерларга уларни қўллаб қувватлаш мақсадида экспорт қилинган маҳсулот сотув нархига кирган қушилган қиймат солиғини бир қисмини давлат томонидан қайтариб берилади:

- қўшилган қиймат солиғи ҳисобининг ҳужжатларда алоҳида кўрсатилиб ёзилишлиги уни тўлашдан қочиш ҳолатларни қийинлаштиради;

- ҚҚС ҳисоби орқали бозор иқтисодиётини тартибга солишда даромад (фойда) солиғи ставкасини пасайтирилиши натижасида бюджетнинг даромад қисмидаги йўқотишларни қоплаш учун тактик восита сифати ишлатилади;

- ҚҚС ҳар турдаги давлатларнинг ягона солиқ сиёсатини юритиши ёрдамида интеграция функциясини ҳам бажаради. Масалан, ЕИ давлатларининг солиқ сиёсатидан кўриниб турибдики, ҚҚС уларнинг бюджетдаги асосий манбаи бўлиши билан бирга миллий иқтисодиётларини яқинлашишига олиб келмоқда.

ҚҚС ҳисобининг ижобий жихатлари билан бир қаторда салбий жихатлари ҳам мавжуд. Улар қуйдагилар бўлиб ҳисобланади:

- улар фақатгина харидорларгагина эмас, балки ишлаб чиқарувчиларга ҳам таъсир этади:

- ҚҚСни ҳақиқий тўлаш вақти (моддий бойликлар, хизматлар, ишларни сотиб олиш вақтида) баъзи ҳолатларда солиққа тортиладиган маҳсулотнинг сотиш вақтидан анча аввал келади. Солиқ ҳисобини юритишда ҳисоблаш усулини қўлланилиши вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Чунки ҳисоблаш усулида товарни сотиш вақти корхона ҳисоб рақамига пул маблағининг келиб

тушгани эмас, балки товарнинг омборхонадан ортиб юборилган вақтига тўғри келади, шунинг учун корхона ҳисоб рақамига сотилган товар учун пул маблағи тушишидан қатъий назар ҚҚС суммасини бюджетга тўлаши шарт:

- ҳисоблаш усулида корхона ўзининг маблағларини ҚҚСни тўлаш учун йўналтириши ҳисобига айланма пул маблағларидан маҳрум бўлади:

- бизнинг республикада ҚҚС базасига фақат қўшилган қийматгина эмас, балки унга умуман даҳли бўлмаган элементлар ҳам мавжудлиги:

- ққс ҳисобининг юқори ставкаларда қўлланилиши аҳолининг сотиб олиш қобилиятини камайтиради ва ишлаб чиқарувчи учун эса товар сотиш бозорини қисқартиради, ҚҚСнинг юқори қийматда белгиланиши эса товар ишлаб чиқарувчи томонидан минимал фойда режалаштирилган тақдирда ҳам, сотиб олувчиларнинг имкониятлари чегараланган бўлганлиги учун товарларни тез ва ўз вақтида сотиш имкониятини бермаслигида намоён бўлади.

Ҳозирги кунда корхоналарни ишлаб чиқариш жараёнларини иқтисодий қўллаб қувватлаш асосида яъни уларнинг экспорт ва импорт муомилаларини юритишда уларга ҚҚС ҳисоби бўйича (0)ставка ҳамда имтиёз берилган.

Акциз солиғи билвосита солиқлар ҳисоби турига кирганлиги сабабли унга иқтисодий нуқтаи назардан ёндошганимизда қўшилган қиймат солиғига жуда яқин эканлигини кўраемиз. Уларнинг ўхшашлиги ёки яқинлиги давлат билан юридик шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Бу икки иқтисодий категорияларнинг ўзаро боғлиқлиги ва махсус ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишда кўпроқ намоён бўлади. Шу боис бундай солиқлар ҳисобининг ўзига хос фискал иқтисодий категория сифатида қаралиши муҳимдир. Бу икки солиқ тури орқали давлат бюджет даромадининг энг катта қисми шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона юк декларациясида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O * A : 100$$

Бунда: O – ўз ичига акциз солиғини олган, ҚҚСсиз шартномавий(эркин) баҳо, A – акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

Сувсиз этил спиртининг 1 литри учун акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича маҳсулот бирлигига алкоғолли маҳсулот (кам спиртли вино, шампан виносидан ташқари)

$(\Phi \times A) / 100$, бунда:

Φ - тайёр маҳсулот таркибидаги спирт (ўткирлиги), фоизларда (ундан спирт тайёрланган хом ашё туридан қатъи назар);

A - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

Тайёр маҳсулот бирлигига акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича (кам спиртли вино, шампан виноси, вино материаллари, этил спирти, пиво, ўсимлик (пахта) ёғи ва тамаки маҳсулотлари)

$C \times A$, бунда:

C - тегишли ўлчов бирликларида сотилган маҳсулотнинг физик ҳажми;

A - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

Бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича

$(O \times A) / 100$, бунда:

O - ўз ичига акциз солиғини оладиган нарх, ҚҚСсиз;

A - акциз солиғи ставкаси, фоизларда.

Акциз маркалари билан маркаланган товарлар бўйича акциз солиғи белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғини тўлаш ҳисобига киритилмайди.

Буюртмачининг хом ашёси ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинади. Буюртмачи хом ашёсидан маҳсулот ишлаб чиқилганда акциз солиғи учун акциз солиғига тортиладиган маҳсулот обороти шу товарларни ишлаб чиқаришга сарфланган ишларнинг қиймати ва берилган буюртмачи хом ашёси қиймати билан аниқланади.

Шартномавий эркин баҳо корxonанинг ҳисобли баҳосини (ўз ичига таннарх ва фойдани олади) 100 фоизга кўпайтирилиб, 100 фоиздан акциз солиғи ставкасини камайтирилган суммага бўлиш билан аниқланади:

$$\frac{C \times 100}{100 - A}$$

100-А

Бу ерда С – корxonанинг ҳисобли баҳоси;

А – акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғини ҳисоблаш товарларнинг шарномавий эркин баҳосини оборотини (О ш.э.баҳо) акциз солиғи ставкасига кўпайтириб 100 га бўлиш билан аниқланади.

$$\frac{\text{Ош.э.баҳо} * A}{100}$$

100

Импорт товарлар учун солиқ объекти божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгиланган божхона қиймати ҳисобланади.

Ўз навбатида, солиқ тизимидаги амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида корxonаларга нисбатан солиқларни соддалаштириш, солиқ юкини имкон қадар пасайтириш, бунда корхона ўз маблағларини мустақил равишда тасарруф эта олиш салоҳиятига эга бўлиши, шунингдек, солиқларни бюджет даромадларини шаклланишини таҳлил қилган ҳолда ҳисоб - китобларни соддалаштириш каби

ишлар амалга ошириб келинмоқда. Энг аввало, бевосита солиқлар ҳисобини камайтириш ва билвосита солиқларни ҳамда ресурс тўловларини, айниқса, қайта тикланмайдиган табиий бойликлар, ер ва сув захираларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни оптималлаштиришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Солиқлар ҳисобини бирхиллаштириш, сонини қисқартириш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш механизмларини соддалаштириш бўйича доимий иш олиб боришда албатта, корхонага унинг таъсир доирасини ҳам ўрганиш лозим.

Акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган хом ашёдан (маҳсулотдан) акцизланадиган товар ишлаб чиқарилган тақдирда, хом ашё (маҳсулот) бўйича тўланган акциз солиғи суммаси ишлаб чиқариш харажатларига киритилмайди, балки тайёр маҳсулотнинг сотилган ҳажми бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммасини аниқлаш чоғида ҳисобга олиниши керак.

Ҳисобга олинадиган акциз солиғи ҳисоби суммаси устидан назоратни амалга ошириш учун акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) етказиб берувчилар ҳисобварақ-фактураларда юклаб жўнатилган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммасини ажратиб кўрсатилиши лозим.

Агар харид қилинаётган акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи ҳисоби суммаси янги қабул қилинган ҳисобварақ-фактурада алоҳида ажратиб кўрсатилиши бу эса акциз солиғининг ҳисобни янада аниқ юрилишишига хизмат қилади.

Юқоридаги берилган маълумотлари асосида корхоналарда билвосита солиқлар ҳисобини юритилиши солиқлар ҳисобининг самарадорлигини янада оширади ва бюджет даромадларини ривожлантиришга хизмат қилади деган умиддамиз.

III боб. Хусусий сектор корхоналарида солиқлар аудитини ташкил қилиш ва такомиллаштириш

3.1 Солиқлар аудитини режалаштириш ва ташкил этиш

Аудитни тайинланишига кўра турлари ичида солиқ аудити алоҳида аҳамиятга эга. Корхоналарда солиқ аудитини ўтказилишини бюджет билан бўладиган ҳисоблашишларни қанчалик солиқ қонунчилигига мос олиб борилганлигига объектив баҳо бериш билан бирга солиқлар ҳисобини тўғри ва ўз вақтида юритилиши ҳамда тўланишига мамалий ёрдам беришдан иборат. Солиқ аудити асосида бюджетга солиқ тўловчилар томонидан қасдан яширмасдан ўз вақтида тўланишини бўйича аудиторлик текширувини ўтказилади. Солиқ аудитини ўтказишдан асосий мақсад, бюджет билан бўладиган ҳисоб ишларини тўғри ташкил қилиш, солиқларни бюджетга ўз вақтида тушишини таъминлашдан иборат.

Республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳам таърифлар беришган. Жумладан, Б. Исроилов солиқ аудити – қонунчилик нормалари билан белгиланган солиқ ва солиқларга тенглаштирилган тўловлар интизоми ҳамда назорати солиқ назорати органлари зиммасига юклатилган мажбуриятлар ижросини назорат қилиш мақсадида, ваколатли органлар ёки мулкдорлар томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда солиқ тўловчиларда ўтказиладиган текширувдир³⁰. З. Қурбоновнинг фикрича, солиқ аудига махсус аудиторлик топшириғи ёки аудитнинг махсус йўналиши сифатида қараш керак деб³¹ этироф этган.

Юқоридагилалдан келиб чиқиб солиқ аудитининг асосий вазифаларига қуйдагилар киради:

* бюджетга тўланадиган солиқларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш;

³⁰ Б.И.Исроиловнинг “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва методологик асослари” мавзусидаги докторлик диссертацияси. 2006. 186-б.

³¹ З.Н.Қурбонов “Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари” Монография “Фан ва технология” нашриёти, Тошкент.: 2008. 102-б.

* солиқлар ҳисобини ва ҳисоботларини тўғри юритиш;

* солиқлар ҳисобини қонуний ҳужжатларга мос ҳолда юритилганлигини текшириш ва шу кабилар.

Солиқ аудити текширувини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарт (АФМС) лари асосида олиб борилади.

Корхоналарда солиқлар ҳисобини тўғри ва ўз вақтида юритилганлигини солиқ аудити таркибида билвасита солиқлар аудити ўтказилади. Солиқлар аудитида бюджет билан ҳисоб-китобларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади – текшириладиган хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоботининг солиқлар бўйича қардорликни акс эттириш қисмида, ҳамда солиққа тортишдаги тартибга солинмаган масалалар билан боғлиқ сезиларли ҳолатларни акс эттиришдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқариш жараёнида улардаги олиб борилаётган, ҳисоб-китоб ишларини бозор муносабатлари талаблари даражасида юритиш, аудит фаолиятини тўғри ташкил қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, моддий бойликларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш, бюджет олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида амалга ошириш ҳисобланади.

Аудит ёрдамида ҳисоб-китобларни тўғри юритилиши ҳисоб ва ҳисоботлар сифати, молиявий натижаларнинг тўғри аниқланганлиги текширилади. Текшириш аудитор томонидан олиб борилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохатлар каби аудиторлик фаолиятида ҳам бир қанча ислохатлар олиб борилаётганлиги барчага маълум.

Аудитнинг мақсади корхона молиявий хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда аниқ ва меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда иш олиб борганлигига ҳолисона баҳо беришдир. Аудиторлик текшируви корхоналарнинг олиб борилаётган ҳисоб-китоб ишларида вужудга келган камчиликларни бартараф

этишга кўмаклашишдан иборатдир. Асосий аудиторлик фаолитини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари (талаблари): текширишни ўтказиш чоғида мустақиллик, объективлик, махвийлик ҳисобланади. Яни аудитор аввалом бор мустақил ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда хўжалик молиявий ҳолатига ҳолисона боҳо бериш билан бирга ўтгазилган текширув маълумотини сир сақлаши лозим.


Унинг асосий вазифаси - бу ахборотлардан фойдаланувчиларга тақдим қилинадиган ҳисоботлар тўғрисида ҳолис фикр билдириш учун мустақил текширишдир.

Аудиторлик текширувининг мақсади корхонанинг молиявий ҳисоботлари, унинг молиявий ҳолати ва фаолият натижаларини қай даражада ҳаққоний акс эттириши тўғрисида малакавий ҳулоса беришдан иборатдир.

Солиқлар аудитини ўтказиш аудиторлик режалаштиришидан бошланади. Солиқлар аудитини режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг умумий режаси ишлаб чиқилади. Шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида ҳолис ва асосли фикрларни шакллантириш учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидаларини амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастури тузилади.

Фикримизча, солиқлар аудитини режалаштириш аудитни ўтказишнинг қуйидаги умумий қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Солиқлар аудитини режалаштиришнинг комплекслиги қоидаси бирламчи режалаштиришдан бошлаб аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишга қадар режалаштиришнинг барча босқичларини ўзаро боғлиқлигини таъминланишини тақозо этади.



3-чизма. Солиқлар аудитини режалаштириш тамойиллари.

Солиқлар аудити узоқ муддатга режалаштирилганда яъни корхонанинг аудиторлик текшируви бир йил давомида амалга оширилса, аудиторлик ташкилоти корхонанинг молия-хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни ва оралик аудиторлик текширувлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда аудитни ўтказиш режа ва дастурларига ўз вақтида тузатишлар киритиши керак бўлади.

Солиқлар аудитини режалаштиришнинг мақбуллиги қондаси шундан иборатки, режалаштириш жараёнида аудиторлик ташкилоти ўзи белгилаган мезонлар асосида аудит умумий режаси ва дастурининг мақбул вариантини танлаш имкониятини таъминлаши керак.


Солиқлар аудитини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти қуйидаги асосий босқичларни ажратиши керак (4-чизма).

Солиқлар аудитини самарали режалаштириш учун аудиторлик ташкилоти корхона раҳбарияти билан аудитни ўтказишга оид асосий ташкилий масалаларни келишиб олиши керак.

Дастлабки режалаштириш босқичида аудитор корхонанинг молия-хўжалик фаолияти билан танишиши ва қуйидагилар тўғрисида ахборотга эга бўлиши шарт:

- корхонанинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган иқтисодий вазият ва унинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ташқи омиллар;

- корхонанинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, унинг алоҳида хусусиятлари билан боғлиқ ички омиллар.



4-чизма. Солиқлар аудитини режалаштириш босқичлари.

Аудитор қуйидагилар билан ҳам танишиши керак:

- а) корхонанинг ташкилий-бошқарув тузилиши;
- в) капитал таркиби ва акциялар курси (корхона акциялари котировкаланиши керак бўлган ҳолда);
- д) рентабеллик даражаси;
- е) корхонанинг асосий харидорлари ва таъминотчилари;
- ж) корхона тасарруфида қоладиган фойдани тақсимлаш тартиби;
- з) шўъба ва тобе корхоналарнинг мавжудлиги;
- и) корхона томонидан ташкил этилган ички назорат тизими.

Солиқлар аудитини дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди. Агар аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишни мумкин деб ҳисобласа, у аудиторлик текширувини олиб бориш учун штатни шакллантиришга ўтади.

Аудиторлар гуруҳига кирадиган мутахассислар таркибини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти қуйидагиларни ҳисобга олиши шарт:

- аудитнинг ҳар бир босқичи: тайёргарлик, асосий ва якунлаш босқичи, иш вақти бюджети;

- гуруҳ ишининг тахмин қилинаётган муддатлари;

- гуруҳнинг миқдорий таркиби;

- гуруҳ аъзоларининг мансаб даражаси;

- гуруҳ ходимларининг ворислиги;

- гуруҳ аъзоларининг малака даражаси.

Солиқлар аудити режаси ва дастурини тайёрлаш жараёнида аудиторлик ташкилоти корхонада амал қилаётган ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолайди ва ички назорат тизими хатарини (назорат хатарини) баҳолашни амалга оширади. Агар ички назорат тизими корхона раҳбарини нотўғри ахборотлар мавжудлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирса, шунингдек, нотўғри ахборотни аниқласа, уни самарадор деб ҳисоблаш мумкин. Ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳоларкан, аудиторлик ташкилоти аудиторлик исбот-далилларини етарли миқдорини тўплаши шарт. Агар аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботнинг ишончилиги тўғрисида етарли даражада ишонч ҳосил қилиш учун ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби тизими асосланишга қарор қилса, у келгуси аудит ҳажмини тегишли тарзда тузатиши керак бўлади.

Солиқлар аудити режаси ва дастурини тайёрлаш пайтида аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботни ишончли деб ҳисоблаш имконини берадиган жиддийлик ва аудиторлик хатарини мақбул даражасини белгилаши керак.

Солиқлар аудити хатарини режалаштиришда аудиторлик ташкилоти, корхона аудитидан қатъи-назар, бу ҳисоботга хос бўлган молиявий ҳисоботнинг ажралмас хатари ва назорат хатарини белгилайди. Белгиланган хатарлар ва жиддийлик даражаси ёрдамида аудиторлик ташкилоти аудит учун аҳамиятли соҳаларни аниқлайди ва зарур аудиторлик русум-қоидаларини режалаштиради.

АУДИТ ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот “Спецремкотломонтаж” қўшма корхонаси
 Аудитни ўтказиш даври 15.03.12-20.03.12
 Аудиторлик гуруҳи раҳбари Хакимов С.
 Аудиторлик гуруҳи таркиби Халилов Т., Хакимов С.
 Режалаштирилаётган аудиторлик хатари 6%
 Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси 4%

| | Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик тадбирлари рўйхати | Ўтказиш даври | Бажарувчи | Аудиторнинг иш хужжатлари | Изоҳлар |
|----|---|---------------|------------|--|---------|
| 1. | Солиқларнинг дастлабки ҳисобини текшириш | 15.03.2012 | Хакимов С. | 8-журнал-ордер, ҳисобварақ-фактуралар | |
| 2. | Солиқларнинг тўғри ҳисобланишини текшириш | 15.03.2012 | Халилов Т. | 8-журнал-ордер | |
| 3. | Солиқлар бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланилишини текшириш | 16.03.2012 | Хакимов С. | 8-журнал-ордер | |
| 4. | Солиқларнинг ўз вақтида бюджетга тўланишини текшириш | 16.03.2012 | Халилов Т. | 8-журнал-ордер, Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумотнома | |
| 5. | Солиқларнинг молиявий ҳисобот шаклларида тўғри аксэттирилишини текшириш | 16.03.2012 | Хакимов С. | 8-журнал-ордер, Бош дафтар, баланс, Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумотнома | |

Унинг номидан аудиторлик хулосаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари: Комилов С.

Солиқлар аудитини режалаштириш пайтида белгиланган аудиторлик хатари ва жиддийлик даражасининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Солиқлар аудити режаси ва дастурини тузишда аудиторлик ташкилоти ҳисоб ахборотига ишлов бериш даражасини инобатга олиши керак, бу ҳам

аудиторлик ташкилотига аудиторлик русум-қоидаларининг ҳажми ва тусини аниқроқ белгилаш имконини беради.

Аудиторлик ташкилоти бажараётган русум-қоидаларнинг натижаларини аудит умумий режа ва дастурини тайёрлаш пайтида батафсил ҳужжатлаштириш керак, чунки мазкур натижалар солиқлар аудитини режалаштириш учун асос ҳисобланади ва бутун аудит жараёни давомида ишлатилиши мумкин.

Солиқлар аудити жараёнида аудиторлик ташкилотига умумий режанинг айрим қоидаларини қайта кўриш учун асослар пайдо бўлиши мумкин. Режага киритилаётган ўзгартиришларни, шунингдек, ўзгартириш сабабларини аудитор батафсил ҳужжатлаштириши лозим.

Солиқлар аудити режасида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш муддатларини, аудиторлик хулосасини тузиш тартибини назарда тутиши шарт. Фикримизча, вақт сарфини режалаштириш жараёнида аудитор қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

1. Ҳақиқий харажатлар;
2. Бундан олдинги даврда (такрорий аудит ўтказилган тақдирда) вақт сарфи ва унинг жорий ҳисоб-китоб билан алоқаси;
3. Жиддийлик даражаси;
4. Аудиторлик хатарларининг амалга оширилган баҳолари.

Умумий режада аудиторлик ташкилоти дастлабки таҳлил натижалари асосида солиқлар аудитини ўтказиш усулини белгилайди, ички назорат тизимининг ишончилигини, аудит хатарларини баҳолайди. Танлаб аудит ўтказишга қарор қилинган тақдирда аудитор аудиторлик танламасини "Аудиторлик танлаш" аудит стандартига мувофиқ шакллантиради.

Солиқлар аудити сифатини назорат қилишни режалаштиришга доир қоидалар умумий режанинг таркибий қисми ҳисобланади. Солиқлар аудити режасида қуйидагилар назарда тутилиши тавсия қилинади:

1. Аудитни ўтказишга жалб этиладиган аудиторлар сони ва малакавий даражасини белгилаш;

2. Аудиторларни касбий хислатлари ва мансаб даражаларига мувофиқ аниқ аудит объектлари бўйича тақсимлаш;

3. Ташкилотнинг барча аъзоларига уларнинг вазифалари хусусида йўл-йўриқлар бериш, уларни корхонанинг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек, солиқлар аудитининг умумий режаси қоидалари билан таништириш;

4. Раҳбарнинг режа бажарилиши ва аудитор ассистентлари ишининг сифати, улар томонидан иш ҳужжатлари юритилиши ва аудит натижаларини тартиб бўйича расмийлаштирилишини назорат қилиши;

5. Аудиторлик гуруҳи раҳбарининг аудиторлик русум-қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ услубий масалаларини тушунтириши;

6. Муайян далилларни баҳолашда аудиторлик гуруҳи раҳбари билан унинг аъзолари ўртасида камчиликлар пайдо бўлганда аудиторлик гуруҳи аъзосини фикрини ҳужжатли расмийлаштириш.

Аудит дастури солиқлар аудитининг режасини ривожлантиришга имконият беради ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидалари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ассистентлари учун муҳим йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик гуруҳининг раҳбари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Аудитор солиқлар аудити дастурини ҳужжатли расмийлаштириши, ҳар бир бажариладиган аудиторлик русум-қоидасини рақам ёки код билан белгилаши лозим.

Аудиторлик дастурини назорат воситалари тест кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик русум-қоидалари дастури кўринишида бўлиши мақсадга мувофиқ.

3.2. Солиқлар аудитини ўтказиш ва уни такомиллаштириш

Солиқлар аудитида бюджет билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар аудитор жиддий эътибор бериш лозим бўлган мураккаб объект ҳисобланади. Биринчидан, бюджетга тўланадиган солиқларнинг нотўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлиги учун корхонага нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилишининг олдини олишга ёрдам беради. Бу эса унинг молиявий аҳволига сезиларли даражада таъсир қилади. Иккинчидан, ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосалари солиқ инспекцияси томонидан қабул қилиниши айрим ҳолларда шубҳа остига олиниб, қабул қилинмаслиги ҳам мумкин. Сўнги ҳолатда солиқ органи тақдим қилинган аудиторлик хулосасини қайтадан текшириб чиқишга ҳақлидир.

Агар аудитор хулосаси давлат бюджети манфаатларига зид, амалдаги қонунчиликка ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилинмасдан, сифатсиз тузилганлиги аниқланса, амалдаги санкциялар кучга киради. Бундай ҳолларда аудитор ёки аудиторлик фирмаси адиторлик фаолияти билан шуғулланишга ҳуқуқ берадиган лицензиядан маҳрум қилиниши мумкин. Солиқлар тўланишини текширишдан олдин солиққа тортиладиган объект буйича кўрсаткичларнинг тўғрилиги, солиққа тортиладиган база ва солиқ ставкаларига риоя қилиниши, текширилиши керак.

Аудитор солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишда малакали маслаҳатчи ва ушбу ҳисоб-китоблар тўлик ҳамда ўз вақтида бўлиши учун хайрхоҳ бўлмоғи лозим. Бюджет билан ҳисоб-китобларда корхона бухгалтерлари томонидан йўл қўйилган хатоларни кўрсатиш билан аудитор ушбу корхонага солиқ инспекцияси томонидан қўлланиладиган молиявий жазо чоралари билан боғлиқ бўлган зарарлардан қутилиб қолишга ёрдам беради.

Шуннинг учун у солиқларга доир ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида ўтказиб берилишини синчиклаб текшириши лозим.

Солиқлар буйича қарзлар юридик шахсларнинг бюджет олдадаги мажбурияти булиб ҳисобланади ва одатда, маълум санада тўланади. Солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариши ва меъёрий ҳужжатлар айрим қоидаларидаги зиддиятлар солиқларга доир ҳисоб-китобларда тасодифий хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Солиқлар буйича қарзлар синчиклаб текширувдан ўтказилганида қуйидаги хатолар аниқланиши мумкин:

➤ солиқларни ҳисоб-китоб қилишда бухгалтерия ҳисоби тамойиллари, қонун ҳужжатлари ва йуриқномаларнинг нотўғри қўлланиши;

➤ солиқ ставкаларининг нотўғри қўлланилиши;

➤ солиққа тортиладиган базанинг нотўғри аниқланиши;

➤ пеня ва жарималарнинг ноаниқ ҳисобга олиниши.

Бухгалтерия ҳисоботини баҳолашга қуйидагилар таъсир кўрсатади:

➤ солиққа тортиш буйича имтиёз олиш учун хато ахборотларни тақдим этиш;

➤ солиқ органларига тақдим қилинадиган маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши ёки яширилиши;

➤ бюджетга қарздорликларни аниқлашда, солиққа тортишдан озод этилганлар сифатида солиққа тортишда ҳисобга олинадиган даромадларни нотўғри туркумлаш ёки ҳисоб-китоб қилиш;

➤ солиққа тортиш буйича имтиёз олиш учун бош ва шубба корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар буйича ҳисобда қалбаки муомалаларни акс эттириш.

Ҳар бир солиққа оид қонунчилик ҳужжатида солиқ ставкаларини қўллаш, солиқ солинадиган базани аниқлаш, солиқларни тўлаш муддатлари, ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳаказо талаблар акс эттирилади.

Солиқ мажбуриятларининг нотўғри аниқланиши катта молиявий йўқотишлар келтириб чиқаришини ҳисобга олиб, аудиторлар ушбу участкада текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш технологиясига алоҳида эътибор

беришлари лозим. Текширувларни мувоффақиятли ўтказиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишга юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;
- ходимларни солиққа тортиш масалаларига оид тезкор ахборотлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;
- аудиторлар оддий кундалик муаммолар устида такроран ишламасликлари учун, корхона ичида солиққа тортишнинг долзарб масалаларига доир ахборотлар ва ишланмаларни алмашишни ташкил этиш;
- мижоз томонидан такдим қилинадиган, солиққа тортиш масалаларига доир ёзма ахборотлар сифатини самарали назорат қилиш;
- корхона ичида солиқ буйича маслаҳат бериш технологиясини барпо қилиш ва бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириш натижалари буйича расмийлаштирилиши лозим бўлган ишчи ҳужжатларининг махсус шакллари ишлаб чиқиш.

Солиқ буйича бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишда аудиторлик амалларига шаклан риоя қилинишигагина таяниш мумкин эмас. Шунинг учун солиқ буйича бюджет билан ҳисоб-китоблар аҳволи тўғрисида якуний ҳулосани аудиторлар гуруҳининг раҳбари қилиши керак. У солиқлар буйича аниқланган барча тафовутларни ва уларнинг солиққа тортиладиган базанинг шаклланишига таъсирини баҳолаш имконига эга.

Солиқлар ичида қушилган киймат солиғи ва акциз солиғи корхонанинг молия-ҳужалик фаолиятига энг катта таъсир кўрсатиб, ҳисоб-китоб қилишда ҳам, текширув ўтказишда ҳам ҳаммадан қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боисдан солиқлар аудида ҚҚС ва акциз солиғи аудитини алоҳида ўрганишга этибор қатаишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Аудитор ҚҚС буйича қўлланилган имтиёзларнинг ҳамда ишлаб чиқаришга сарфланган моддий ресурслар учун мол етказиб берувчиларга

тўланган ҚҚСнинг харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотлар учун корхона ҳисоблаган ҚҚС дан ошган суммаларининг тўғрилигини текшириши керак.

Солиқлар ва бўнак тўловларининг ўз вақтида бюджетга ўтказилиши ҳам текширилиши керак.

Солиққа тортиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) суммаси Қўшилган қиймат солиғини қўшмасдан товарлар (ишла, хизматлар)га қўлланиладиган баҳоси ва таърифи қиймати билан аниқланади. Аммо, акцизоти товарлари бўйича солиққа тортиладиган оборотни аниқлашда унга акциз суммасини ҳам қўшилади.

Корхоналарни солиқ қонунчилигига мувофиқ уларни қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган аксарият ҳолларда харид қилинган маҳсулотлари учун мол етказиб берувчиларга тўланадига қўшилган қиймат солиқ суммаси ишлаб чиқариш харажатларига олиб боришади. Бундай ҳолатларда харажатларни сунуий ошириш яъни солиқ тўланиши лозим базани камайтириш деб қаралиши билан бир қаторда корхона, иқтисодий фаолиятига салбий таъсир қилади ҳамда рентабеллик даражасини пасайишига олиб келади.

Авалом бор корхоналарда билвасита солиқлар ҳисобини аудитини ҳисоб-фактура асосида аудитдан ўтказиш солиқлар ҳисобини қанчалик тўғри юритилганлигини кўриш мумкин.

Корхонада солиқлар аудитининг асосий мақсади солиқларнинг барча турлари бўйича ҳисоблар тўғри ташкил этилиши, улар тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши, солиқ тўловларининг кечиктириш сабаблари ва боқимандалар қайси ҳисобларга ўтказилганлиги, маблағлар ўз вақтида ўтказилмаганлигига айбдор шахсларга нисбатан ва йўл қўйилган камчиликларни олдини олиш учун қандай чоралар кўрилганлигини аниқлашдан иборатдир. Солиқларни текширишда аудитор хўжалик юритувчи субъектга солиқларнинг нотўғри ҳисобланиши ҳамда улар ўз вақтида бюджетга ўтказилмаганлиги учун солиқ идоралари томонидан кўриладиган жарима ва

бошқа чоралари билан боғлиқ бўлган молиявий йўқотишларни олдини олишга ёрдам бериши лозим.

Корхонада солиқлар бўйича текширувининг асосий манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- солиқларнинг алоҳида турлари бўйича маълумотномалар ва ҳисоблар;
- тегишли суммалар бюджетга ўтказилганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжатлар илова қилинган банк кўчирмалари;
- солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширувлар бўйича далолатномалар;
- бухгалтерия ҳисоби счетлари бўйича ёзувлар;
- журнал-ордерлар ва ҳисоб регистрларининг бошқа турлари;
- Бош китоб;
- бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқалар.

Солиқларнинг барча турлари бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

- ушбу ҳисоблар бўйича ички назорат тизими ҳолатини (тест ўтказиш йўли билан) баҳолаш;
- кузатиб бориш, нусха кўчириш, ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини солиштириш йўли билан солиққа тортиш базаси тўғри белгиланганлигини аниқлаш;
- кузатиб бориш ва нусха кўчириш йўли билан солиқ ва йиғимлар ставкаси тўғри қўлланилганлиги текшириш;
- кузатиб бориш, меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш, текширилаётган субъект хусусиятларини ўрганиш йўли билан солиқ имтиёзлари тўғри қўлланилганлигини аниқлаш;
- кузатиб бориш, дастлабки ҳужжатларни ўрганиш, арифметик ҳисоблаб чиқиш йўли билан сотиб олинган захиралар бўйича ҚҚС тўғри қопланганлигини текшириш;

- тўлов ҳужжатлари, солиқ бўйича ҳисобларни ўрганиш йўли билан солиқ ва йиғимлар бўйича тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилганлиги, солиқларни ҳисоблаш бўйича маълумотномалар тўғри тузилганлигини аниқлаш;

- солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Корхона қайси турдаги солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилаётганлигини аниқлаш керак. Солиқ идоралари ва бошқа назорат олиб борувчи идоралар томонидан ўтказилган текширув ҳужжатлари ва яқунлари билан танишиб чиқиш лозим, зеро бу олдинги даврда йўл қўйилган хатоликлар тавсифини аниқлаш ва чуқур текширув учун объектларни белгилаш имкониятини яратади.

Аудиторлик текширувида солиқлар синчковлик билан текширилади, чунки ушбу тўловларнинг бюджетга тўланадиган барча тўловлар ва йиғимлар таркибидаги нисбати каттадир, шунингдек, солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган молиявий жазолар (жарима, боқимандалар) ўрганиб чиқилади.

Текширув жараёнида солиқларнинг барча турлари бўйича ҳисобот даврининг охирига айланмалар ва қолдиқ тўғри чиқарилганлиги аниқланади. Бунинг учун тўловларнинг ҳар бир тури бўйича таҳлилий ҳисоб кўрсаткичлари журнал-ордерлар ва ҳисобнинг бошқа регистрлари, Бош китоб ва баланснинг 6400, 4400-сонли счетлари гуруҳи маълумотлари билан солиштирилади.

Текширув вақтида аниқланган камчилик ва хатоликлар аудиторнинг ишчи ҳужжатларида ва аудиторлик ҳисоботида қайд этилади.

Одатдаги хатоликлар:

- солиқлар бўйича солиққа тортиладиган база нотўғри ҳисобланиши;

- солиқлар бўйича қўлланиладиган имтиёзлар нотўғри белгиланиши;

- мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатларида ҚҚС кўрсатилмаган ҳолда ҳам уни солиққа тортиш базасидан камайтириш;

- бухгалтерия ҳисобини тегишли равишда юритмаслик (сотувдан тушумларни, харажатларни нотўғри акс эттириш, айрим солиқлар, жарима ва боқимандаларни харажатлар ҳисоби счетларига, фойдага ва бошқаларга нотўғри ўтказиш);

- солиқларни бюджетга ўтказишда белгиланган тўлов муддатларига риоя қилмаслик.

Солиқлар аудитининг бир неча аниқ масалаларини ҳал этишда ёки счётларнинг қолдиғи унча катта бўлмаганда фақат бир таҳлилий амал туфайли етарлича далил олиш мумкин бўлади. Кўпчилик ҳолларда, аудиторлик далилий маълумотларини етарлилиги талаб даражасида бўлиши учун таҳлилий амаллар натижалари асосида қўшимча ахборотларни олиш зарур бўлади. ASB юзаки текширувларда ҳам таҳлилий амалларни қўлланилишни талаб этади.

Таҳлилий амалларни бажариш бир неча босқичларда амалга оширилади: ўтказиладиган амални мақсадини белгилаш, тестларни режалаштириш, тестлаш, натижаларни таҳлил қилиш ва хулосалар олиш.

Таҳлилий амаллардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

-мижоз бизнеси билан танишиш;

-корхона молия-хўжалик фаолияти узлуксизлигининг истиқболини баҳолаш;

-мижоз ҳисоб ва ҳисоботида кўзда тутиладиган камчиликларнинг ўрнини аниқлаш;

-молиявий ҳисоботда бўлиши мумкин бўлган хатоларни аниқлаш;

-аудиторлик текуширувининг асосий босқичида деталлашган тестлар сонини қисқартириш.

Таҳлилий амаллар тармоқ хусусияти ва мижоз бизнеси билан танишишда энг кенг тарқалган усуллардан биридир. Аудитор ўтган йилларда олган билимлари ва тажрибаларидан жорий даврдаги текширув жараёнларини режалаштиришда фойдаланади. Таҳлилий амаллар (ўтган йиллардаги аудит маълумотларини жорий текширув давридаги маълумотлар билан таққослашга асосланган) хўжалик фаолиятида содир бўлган муҳим ўзгаришларни аниқлашда кўл келади. Бу ўзгаришлар муҳим тенденцияларни ёки тармоқ хусусиятига доир ҳодисаларни акс эттириб, бу тенденция ва ҳодисалар аудитни режалаштиришда албатта ҳисобга олинishi керак. Шунингдек, аудиторлик текширувининг асосий ҳамда якуний босқичларида ҳам таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш орқали текширув самараси ошишига, вақт ҳамда харажатларнинг тежалишига эришилади. Солиқлар аудитида таҳлилий амалларни бажаришнинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:




5-чизма. Солиқлар аудитида таҳлилий амалларни бажариш турлари.

Шундай қилиб, аудиторлик назорати сифатини кўтаришда тахлилий амалларнинг кенг қўлланилиши талаб этилади. Бу нафақат мажбурий ёки ихтиёрий шаклда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг ҳар бир босқичида, балки қўшимча аудиторлик касбий хизматларини кўрсатишда ҳам икки томонлама (мижоз ва аудиторлик ташкилоти) манфаатдорликни оширади.

Солиқлар аудитида мижоз корхона раҳбариятининг назоратга муносабати назорат муҳитига энг катта таъсир кўрсатади. Бошқарувнинг юқори поғонаси хизматчиларнинг назоратга муносабатини белгилайди. Бошқарув муҳити юқори даражадаги ички коммуникация тизимини таъминлайдиган, Кузатув Кенгаши хузуридаги аудит фаолиятининг самарали ишлашига ёрдам берадиган, бюджетлар тизими яъни бизнес-режа ёки смета ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлардан фойдаланадиган, ички аудитнинг самарадорлигини таъминлайдиган бошқарув тизими билан тавсифланади. Назорат муҳити корхона ходимларининг компетентлиги, хизмат вазифаларининг тақсимланиши, активлар, ҳужжатларни олиш имкони ва ҳисоб ёзувларини вақти-вақти билан таққослаб туриш билан аниқланади. Назорат функцияларини амалга оширувчи ходимлар компетентлиги корхона ички назорат тизимининг асосий белгиси ҳисобланади. Корхонанинг кадрлар билан боғлиқ муаммолари ички назорат тизимида салбий таъсир кўрсатади. Агар бухгалтерлар тез-тез алмаштириб турилса, бу ҳисоб ва назорат функциялари етарли тажрибага эга бўлмаган ва бунинг оқибатида кўплаб хатоларга йўл қўядиган мутахассислар томонидан бажарилишига олиб келади. Янги раҳбарлар ва мансабдор шахслар корхонадаги ҳисоб тизими билан етарли даражада таниш бўлмаслиги мумкин. Айрим ҳолларда бухгалтерия ходимлари юқори бошқарув бўғини томонидан топширилган ноқонуний ҳисоб амалларини бажаришни хоҳламаганликлари учун ҳам ишдан бўшаб кетадилар. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ходимларининг тез-тез алмаштирилиб туриши салбий ҳолат деб баҳоланади.

Ички назорат тизими самарали бўлиши учун функционал масъулиятлар ёки хизмат вазифаларининг етарли даражада тақсимланиши жуда муҳимдир. Назорат амаллари самарадорлиги б– чизмада баён этилган.



б-чизма. Солиқлар аудитида назорат амаллари самарадорлигини белгиловчи мезонлар

Вазифалар шундай тақсимланиши керакки, хизматчилардан ҳеч бири юқорида санаб ўтилган тўртта функциянинг икки ёки ундан ортиғини бажармаслиги лозим. Биринчи ва тўртинчи функциялар бошқарув, иккинчи функция ҳисоб, учинчиси эса сақлаш функцияси ҳисобланади. Бу функцияларни турли шахслар ва бўлинмалар ўртасида тақсимлаш афзалликлари, ишларни мувофиқлаштириш (битта хўжалик муомаласининг турли жиҳатларини кўриб чиқилиши ҳисобига атайлаб қилинмайдиган хатоларни аниқлаш ва тўғрилаш

осонлашиши ҳамда ахборотларни бузиб кўрсатишда икки ёки ундан ортиқ мутахассисларнинг тил бириктиришини талаб этади.

Назорат қилиб туриш назорат муҳитининг муҳим элементи ҳисобланади. Корхонада ҳисоб функциялари ва назорат амалларини корхона ходимлари ва компьютер тизими бажариши мумкин. Менежерлар томонидан бу функциялар бажарилиши устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Мижоз корхона таркибий бўлинмалар раҳбарлари ёки назоратчилари хизматчилар томонидан топилган хатоларни тузатишлари, ҳисоб тизимига тааллуқли қарорлар қабул қилиши ва рухсат этиши мумкин. Назорат ўрнатиш бошқарув назоратининг муҳим воситаси ва бутун ички назорат тизими фаолият кўрсатишининг шарти ҳисобланади.

Хулоса

Хусусий сектор корхоналарида ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидагича хулосаларга келинди:

1. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқлар тизимини бошқаришнинг назарий услубий ва амалий жабҳаларини тадқиқ этиш эътибор талаб қилинаётган соҳа бўлиб қолмоқда.

Солиқлар – бу жисмоний ва юридик шахслар даромадлари ҳамда мулкларидан маълум (қонунда белгиланган) бир қисмини давлатнинг молиявий имкониятини таъминлаш мақсадида мажбурийлик, қайтармаслик, давлат мажбурловини қўллашлик асосида бюджетга ўтказишнинг бирдан-бир қонуний усулидир.

Солиққа тортишнинг назарий асосларидан келиб чиқиб, солиқ сиёсатини амалга ошириш бу борада оптимал вариантни танлаб олишни талаб этади. Солиқлар давлатнинг барча йўналишдаги фаолияти учун зарур бўлган асосий молия манбалардан бири бўлиб, у ҳукуматнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича амалга оширишдаги асосий қуролидир. Давлат иқтисодийликни солиқлар орқали тартибга солиш бу давлат бюджетини ташкил этишнинг усули бўлса, солиққа тортиш йўли билан эса жамиатдаги у ёки бу жараёнларини ривожланишига таъсир этиш мумкин бўлади. Яни, давлатнинг мавжудлиги бу солиқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади, чунки солиқ тушумлари давлатнинг иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

2. Магистрлик диссертациясида солиқларни таснифлаш масалалари ҳам кўриб ўтилди. Бевосита солиқлар таркибига қуйидаги солиқлар киради: Юридик шахсларнинг фойда солиғи, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида

турларига катъий белгиланган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Билвосита солиқларнинг қуйидаги турлари мавжуд: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, ягона бож тўлови, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

3. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ҳисоб регистрлари шундай тартибда тузилиши лозимки, бунда бухгалтерия ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни тўғридан-тўғри шу регистрларнинг ўзидан олиш мумкин бўлсин. Бухгалтерия ҳисоботининг ҳамма турларини ва жадвалларини шу ҳисоб регистрларининг маълумотлари асосида қўшимча ишлар бажармасдан бевосита тузиш мумкин.

Счёт-фактураларда акс эттирилган акциз ва ҚҚС суммалари 7-журнал-ордер шаклида юритилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ҳужжатларнинг айланиши тезлашади, мемориал-ордер ва рўйхатга олиш журналлари тузилмайди, жамлама ва таҳлилий ҳисоб қўшилиб кетади ва ҳисоботни қўшимча ишлар бажармасдан тўғридан-тўғри ҳисоб регистрларидан тузиш мумкин ва ҳоказо. Буларнинг барчаси ҳисоб регистрларидаги ёзувларнинг такрорланишини йўқотади ва иш усулининг қуйидаги ҳолда бўлишини таъминлайди: ҳужжатларда расмийлаштирилган хўжалик муомалаларини акс эттириш, ҳужжатлардан ҳисоб регистрларига маълумотларни ёзиб олиш ва ҳисобот учун ҳисоб регистрларининг маълумотларини жамлаш каби жараёнларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида вақтнинг тежалиши, хато ёзувларнинг бирмунча камайиши ва объектлар ҳақидаги маълумотларнинг бирмунча кўрғазмали бўлиши таъминланади.

4. Маълумки, акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган хом ашёдан (маҳсулотдан) акцизланадиган товар ишлаб чиқарилган тақдирда,

хом ашё (маҳсулот) бўйича тўланган акциз солиғи суммаси ишлаб чиқариш харажатларига киритилмайди, балки тайёр маҳсулотнинг сотилган ҳажми бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммасини аниқлаш чоғида ҳисобга олиниши керак.

Ҳисобга олинадиган акциз солиғи ҳисоби суммаси устидан назоратни амалга ошириш учун акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) етказиб берувчилар ҳисобварақ-фактураларда юклар жўнатилган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммасини ажратиб кўрсатилиши лозим.

Агар харид қилинаётган акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи ҳисоби суммаси янги қабул қилинган ҳисобварақ-фактурада алоҳида ажратиб кўрсатилиши бу эса акциз солиғининг ҳисобни янада аниқ юрилишишига хизмат қилади.

Юқоридаги берилган маълумотлари асосида корхоналарда солиқлар ҳисобини юритилиши солиқлар ҳисобининг самарадорлигини янада оширади ва бюджет даромадларини ривожлантиришга хизмат қилади деган умиддамиз.

5. Диссертацияда солиқлар аудитида аниқланадиган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Солиқлар аудитида одатдаги хатоликларга қуйидагилар киради:

- солиқлар бўйича солиққа тортиладиган база нотўғри ҳисобланиши;
- солиқлар бўйича қўлланиладиган имтиёзлар нотўғри белгиланиши;
- мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатларида ҚҚС кўрсатилмаган ҳолда ҳам уни солиққа тортиш базасидан камайтириш;
- бухгалтерия ҳисобини тегишли равишда юритмаслик (сотувдан тушумларни, харажатларни нотўғри акс эттириш, айрим солиқлар, жарима ва боқимандаларни харажатлар ҳисоби счетларига, фойдага ва бошқаларга нотўғри ўтказиш);

- солиқларни бюджетга ўтказишда белгиланган тўлов муддатларига риоя қилмаслик.

Аудиторлик текширув давомида ушбу хатоликларга кўпроқ эътибор қаратишса, аудит сифати янада ошиши мумкин бўлади.

Илмий ишда юқорида келтириб ўтган таклифлар амалиётга жорий қилинса, фикримизча, хусусий сектор корхоналарида солиқлар ҳисоби ва аудитини юритиш тартиби бирмунча такомиллашар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар

I.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
5. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2008 йил 26 сентябр.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги “2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат Дастури тўғрисида”ги ПҚ–29-сонли Қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ–100-сонли Қарори;
8. ЎЗР. Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 6 октябр.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–475-сонли Қарори;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ”Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ–615-сонли Қарори;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги ”Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–907-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “2012 йилда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПП-1675-сонли қарори.

I.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.- Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ” 242-сон қарори билан тасдиқланган. .-Т.: «Халқ сўзи», 2005 й, 5 ноябрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкани зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли Қарори;

I.4. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.
17. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2008 йиллар.
18. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2008 йиллар.

II. Президент И.А. Каримов асарлари

19. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
21. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
22. Каримов И.А. «Давлат бюджети-халқ фаровонлигини оширишнинг асосий воситаси» «Солиқлар ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газетаси 39(583)-сон 2005 йил 26 сентябрь.
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йқналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси № 29 2006 йил 11 февраль
24. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий

ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси 2008 йил 9 февраль

25. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаси). – Халқ сўзи, 2009, 14 феврал.
26. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
27. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.
28. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
29. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т. Ўзбекистон. 2011.
30. Каримов И. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2012.

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

31. Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит. Пер. с англ. под. ред. проф. Я.В. Соколова, - М.: Финансы и статистика, 1995.

32. Барышников Н.П. Организация и методика проведения общего аудита. Москва - 1998.
33. Белоцерковский В.И. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебное пособие. - М.: "Экономика", 2005. - 294 стр.
34. Бочкарева И.И. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. - М.: Проспект, 2006. 776 стр.
35. Грачева М.Е. Международные стандарты аудита (МСА): Учебное пособие. - М.: Издательство ПРИОР, 2005. - 100 стр.
36. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности. Учебник. - М.: Дело и Сервис, 2005. 366 стр.
37. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 б.
38. Емельянов А.М. Общий аудит. - М.: Финансы и статистика, 1997.
39. Жарыгласова Б.Т. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. - М.: НОРУС, 2005. - 400 стр.
40. Завалишина И. А. Солиқлар: назария ва амалиёт. - Тошкент.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашёт уйи, 2004. - 439-б.
41. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. - Тошкент: «Молия нашриёти», 2000.— 76-б.
42. Камышанов П.И. Бухгалтерская финансовая отчетность: Составление и анализ. Учебное пособие. - М.: ОМЕГА, 2005. - 246 стр.
43. Камышанов П.И. Современная бухгалтерия и аудит на предприятиях и в банках-М.: 2000.-380 с.
44. Каримов А., Исломов Ф., Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. - Т.: "Шарқ" НМАК, 2004. 592 б.
45. Ковалев В.В. Финансовая отчетность. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие. - М.: Проспект, 2005. 432 стр.

- 46.Ковалева О.В., Константинов Ю.П. «Аудит. Организация аудиторской деятельности. Методика проведения аудиторской проверки» М.: «ПРИОР» 1999 272с.
- 47.Кутер М.И. Бухгалтерская (финансовая) отчетность. –М.: Финансы и статистика, 2005. 232 стр.
- 48.Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. - 240 стр.
- 49.Макальская М.Л. Бухгалтерский учет. Учебник. –М.: Высшее образование, 2005. 443 стр.
- 50.Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. — Т.: «Академия», 2002.
- 51.Маренков Н.Л. Международные стандарты финансовой отчетности. М.: "ФЕНИКС", 2005. - 288 стр.
- 52.Михалевич А.П. Бухгалтерский учет в зарубежных странах: международные стандарты. -Минск: ООО "Мисанта", ООО "ФУАинформ", 2003.
- 53.Муравицкая Н.К. Бухгалтерский учет: Финансовый учет. Управленческий учет. Финансовая отчетность. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2005. 528 стр.
- 54.Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.
- 55.Подольский В. И. Аудит: Учебник. - М.: "Экономист", 2005. - 494 стр.
- 56.Соколов Я.В. Бухгалтерский учет в зарубежных странах. Учебник. –М.: Проспект, 2005. 664 стр.
- 57.Сотникова Л.В. Оценка состояния внутреннего аудита: Практическое пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 144 стр.
- 58.Суйц В.П. Аудит: Общий, банковский, страховой. Учебник для вузов. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 662 стр.
- 59.Терехов А.А. Аудит - М.: Финансы и статистика, 2001.

60. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. Монография. Тошкент.: Янги аср авлоди, -2002.
61. Хамдамов Б.Қ. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005.
62. Чая В.Т. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебное пособие. - М.: НОРУС, 2005. - 240 стр.
63. Шаулов.Д.И, Кан.Т.У. Солиқ қонунчилиги асослари. Тошкент.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. 243-б
64. Шешукова Т.Г. Аудит: теория и практика применения международных стандартов. Учебное пособие. - М.:»Финансы и статистика», 2005.
65. Яхъяев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент.: Гафур Гулом, 2000.
66. Уразов К.Б Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерии ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: «Фан», 2005. 29-б.
67. Курбонов.З.Н Солиқ ҳисоби: назарияси ва методология Тошкент: «Фан», 2006.
68. Курбонов З.Н. “Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари” Монография “Фан ва технология” нашриёти, Тошкент.: 2008. 102-б.

IV. Авторефератлар

69. Исроилов Б.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва методологик асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 40 б.
70. Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 36 б.
71. Хамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2007. – 33 б.

V. Хорижий илмий адабиётлар

72. Bernstein. Financial Statement Analysis: Theory, Application, and Interpretation, fifth edition 1997, 325p.
73. Bernstein and Maskey Cases. Cases in Financial statement reporting and Analysis. second edition Boatsman, Griffin, Vickrey and Williams 1999, 395 p.
74. Bockholdt. Accounting Information Systems, fourth edition, 1996, 298p.
75. Ferris. Financial Accounting and Corporate Reporting: A casebook fourth edition, 1999, 326p.
76. Robert N. Anthony, James S. Reece. Accounting Principles 1995. 456p.
77. Roger H. Hermanson James Don Edwards, Michel W. Maher. Accounting a Business Perspective. Sixth edition 1995. 369p.
78. Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Financial Accounting. Miami University Press, 1998. 524p.

VI. Интернет сайтлари

79. <http://www.iasc.org.uk>
80. <http://www.aicpa.org/index.htm>
81. <http://www.uza.uz>.
82. <http://www.uzbekistan.uz>
83. <http://www.accountingweb.com>
84. <http://www.mf.uz>.

VII. Илмий мақола ва конференция тезислари

85. Баранов П.П., Зальшкина Т.А. Процедура формирования учетной политики // Аудитор. – Москва, 2007. – №2. – С. 16-20.

- 86.Бакаев А.С. Годовая бухгалтерская отчетность организации // Бухучет, 1997, 1.-с.37
- 87.Дўсмуротов Р. Аудиторлик фаолиятида муҳимлик даражасини аниқлаш ва кўллаш услуби. Бозор, пул ва кредит, № 1, 2003. 40-43 бетлар.
- 88.Жураев Н.Ю., Умиркулов Б.Б. Кичик тадбиркорлик субъектлари бошқарув тизимининг ахборот таъминотини такомиллаштириш.-Т.: 2001, // Материалы международной конференций. «Реформа и развитие бухгалтерского учета и аудита в условиях рыночной экономики Узбекистана».-изд АБА Руз.-с51-52.
89. Ефимова О.В. Годовая отчетность для целей финансового анализа // Бухучёт, 1998, №2.
- 90.Кирьянова З.В., Одиноушкина Е.В. Как трансформировать российскую отчетность в соответствии с GAAP // Бухучет, 1998, № 3.-с.89.
- 91.Ковалев В.В. Стандартизация бухучета: международный аспект // Бухучет, 1997, № 11-с.29.
- 92.Панина Т.Г. Подготовка и представление информации в финансовой отчетности // Бухучет, 1998 №6.с.96.

**Молиявий ҳисобот аудити ва солиқ аудитининг
солиштирилиши**

| Таққослаш мезони | Молиявий ҳисобот аудити | Солиқ аудити |
|---------------------------------------|--|--|
| Объектига кўра. | Ҳисобот тизими ва молиявий ҳисобот. | Солиққа тортиш объекти, солиқлар бўйича бюджет олдидаги мажбуриятлар ҳисоби, солиқ ҳисоботлари. |
| Мақсадига кўра. | Молиявий ҳисоботда акс эттирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилигини аниқлаш. | Солиқларни тўғри ҳисоблаш, ўз вақтида тўлаш ва солиқ қонунчилигига риоя қилишни аниқлаш. |
| Аудит текширувини тайинланишига кўра. | Мажбурий ва ташаббус тарзида. | Ташаббус тарзида, ҳуқуқии муҳофаза қилувчи органлар топшириғи асосида. |
| Даврийлиги. | Даврий ҳисобланиб, йиллик интервал бўйича ўтказилади. | Хўжалик юритувчи субъектларнинг талабига асосан узликсиз. |
| Ўрганиладиган жараёнлар | Бухгалтерия ҳисоби тизими, молиявий ҳисоботида акс эттирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилигини ўрганиш. | Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини, солиштириш ҳисоботида акс эттирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилигини, солиқ қонунчилигига риоя қилишни ўрганиш. |
| Ҳисобот. | Молиявий ҳисоботнинг ишончилиги тўғрисида хулоса. | Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри, тўлиқ ҳисобланган, солиқ имтиёзларини тўғри қўллаш асосида хулоса. |
| Қайд этиш. | Худудий давлат солиқ инспекцияларида рўйхатга олинади. | Шартнома бўйича |

